КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 248 (13.204).
22 октябрь 1965 йил
Жума
Баҳоси 2 тийин.



Суратдаги бу йигит Сирдарё районидаги Ленин номли колхознинг мавсумда 120 тонна пахта териш учун курашаётган моҳир механик-ҳайдовчиси Уали Алдиёров.

А. Палехов фотоси.

УЛКАН ОДИМЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТИДА ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1965 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИ ИЧИДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

Ўзбекистон саноатининг ходимлари пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида 1965 йилда олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун мусобақани кенг қулоч ёздириб, III квартал ва тўққиз ойлик планни муддатидан олдин бажардилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш тўққиз ойлик плани 102 процент бажарилди. Тошкент шаҳри ва республикадаги барча областлар саноати ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва маҳсулотнинг кўпчилик турлари бўйича белгиланган планни оширib бажарди.

Қорақалпоғистон АССР саноати тўққиз ойлик планни бажара олмади.

Тўққиз ойлик план пўлат эритиш, газ, кўмир чиқариш, электр энергия ҳосил қилиш, тракторлар, трактор сеялкалари, чанглагич-пуркагич машиналар, пахта териш ва кўсак чувиш машиналари, цемент, дераза ойнаси, пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича тўла ва оширib бажарилди. Халқ истеъмол қиладиган молларнинг бир қанча энг муҳим турларини: мебель, чарм пойафзал, колбаса маҳсулотлари, қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти, сариёғ ва ўсимлик ёғи, совун ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш плани ҳам оширib бажарилди.

1964 йилнинг шу давридагига қараганда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 8 процент ортди.

Оғир саноат тармоқлари устун даражадаги суръатлар билан ривожланмоқда. Ялпи маҳсулотнинг ўсиши электротеплоэнергетика саноатида 27 процент, газ саноатида 89 процент, қора ва рангли металлургияда 34 процент, химия саноатида 28 процент, машинасозлик ва металл ишлашда 15 процент, бинокорлик материаллари саноатида 20 процент бўлди.

Енгил ва озиқ-овқат саноати янада ривож топди.

Утган 9 ой мобайнида саноат маҳсулотининг асосий турларини ишлаб чиқариш қандай бўлганлигини қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин:

	1965 йил 9 ойда ишлаб чиқарилди	1965 йил январь-сентябрда 1964 йил январь-сентябрдагига нисбатан процент ҳисобида
Район электростанцияларида ва блок станцияларда ҳосил қилинган электр энергия — миллион киловатт-соат	8005	129
Нефть — минг тонна	1333	98
Газ — миллиард куб метр	11,4	186
Кўмир — минг тонна	3310	101
Пўлат — минг тонна	272	102
Қора металлар прокати — минг тонна	187	102
Минерал ўғитлар (шартли бирликларда) — минг тонна	1569	131
Дизеллар — дона	8105	108
100 минг киловаттгача қувватга эга бўлган ўзгарувчан ток электр двигателлари — минг дона	72,3	189
Куч трансформаторлари — минг киловольт-ампер	873	129
Бронекабель — километр	9528	121
Сигнал-блокировка кабеллари — километр	4393	99,1
Центробеж насослар — минг дона	10,3	107
Компрессорлар — дона	979	96
Пилталаш машиналари — дона	599	133
Ип йигирадиган машиналар — дона	404	79
Тракторлар — минг дона	12,6	118
Трактор прицеплари — минг дона	19,5	110
Трактор сеялкалари — дона	5617	101
Чанглагич-пуркагич машиналар — дона	1792	94
Кўсак чувиш машиналари — дона	1680	104
Пахта териш машиналари — дона	5809	115
Осма электр кранлар (бунга махсус кранлар ҳам қўшилади) — дона	688	107
Экскаваторлар — дона	776	114
Қоғоз — минг тонна	12,9	150
Цемент — минг тонна	1843	117
Йирма темир-бетон конструкциялар ва деталлар — минг куб метр буюм ҳисобида	1243	121
Деворбоп панеллар — минг квадрат метр	856	110
Иморатбоп ғишт (колхозлар ишлаб чиқаргани бунга кирмайди) — миллион дона	838	109
Асбоцемент шифер — миллион шартли плитка	115	107
Дераза ойнаси — минг квадрат метр	1875	99,6
Пахта толаси — минг тонна	892	105
Хом ипак — тонна	690	92
Каноп толаси — минг тонна	24,9	108
Ип газламалар — миллион квадрат метр	148	101
Шойи газламалар — миллион квадрат метр	24,9	109
Тўқилмаган тўқимачилик материаллари — минг метр	1032	257
Пайпоқ — миллион жуфт	21,6	105
Ички трикотаж — миллион дона	12,2	120
Устки трикотаж — минг дона	3965	125
Чарм пойафзал — миллион жуфт	10,5	103
Овланган балиқ — минг центнер	123	71
Сариёғ*) — тонна	5582	109
Сутга айлантириб ҳисоблаганда қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти (сут, творог, нефир, қатиқ, қаймоқ, сметана ва ҳоказо*) — минг тонна	115	109
Усимлик ёғи*) — минг тонна	214	98
Кондитер маҳсулотлари — минг тонна	42,8	125
Консервалар — миллион шартли банка	188	98
Совун (таркибида 40 процентли мой кислотаси бўлган совунга айлантириб ҳисоблаганда) — минг тонна	84,7	119
Рўзғор холодильниклари — минг дона	21,0	123
Мебель — миллион сўмлик*)	19,3	115

*) Давлат ресурсларидаги хом ашёдан.

Утган йилнинг шу давридагига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми қуйидагича кўпайди: электр энергия 1794 миллион киловатт-соат, газ 5246 миллион куб метр, пўлат 5,6 минг тонна, қора металлар прокати 4,3 минг тонна, минерал ўғитлар (шартли бирликларда) 371 минг тонна, дизеллар 605 дона, 100 киловаттгача қувватга эга бўлган ўзгарувчан ток электр двигателлари 34 минг дона, бронекабель 1676 километр, центробеж насослар 706 дона, пилталаш машиналари 148 дона, тракторлар 1896 дона, трактор прицеплари 1775 дона, пахта териш машиналари 777 дона, экскаваторлар 98 дона, қоғоз 4,3 минг тонна, цемент 274 минг тонна, йирма темир-бетон конструкциялар ва деталлар 217 минг куб метр, иморатбоп ғишт 66,1 миллион дона, пахта толаси 41,9 минг тонна.

Утган йилнинг шу давридагига нисбатан халқ истеъмол қиладиган кўпгина энг муҳим товарларни ишлаб чиқариш ҳам қуйидагича кўпайди: шойи газламалар 1964 минг квадрат метр, пайпоқ 943 минг жуфт, ички трикотаж 2004 минг дона ва устки трикотаж 804 минг дона, чарм пойафзал 331 минг жуфт, рўзғор холодильниклари 3,9 минг дона, мебель 2,6 миллион сўмлик, қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти 9,8 минг тонна, сариёғ 468 тонна, кондитер маҳсулотлари 8,6 минг тонна.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш ва маҳсулот таннархини камайтириш плани оширib бажарилди. Утган йилнинг шу давридагига нисбатан меҳнат унумдорлиги 4 процент ошди.

Тўққиз ой ичида саноат маҳсулотининг таннархини камайтириш натижасида пландан ташқари тежаб қолинган маблағ 5 миллион сўмдан ошиб кетди.

Саноат корхоналари илмий тадқиқот, лойиҳачилик ва конструкторлик ташкилотлари билан ҳамкорликда фан ва техниканинг илғор ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни давом эттирдилар.

Рационализаторлар билан ихтирочилар техника тараққиётини таъминлашга катта ҳисса қўшдилар. Тўққиз ой ичида 20 мингга яқин рационализаторлик таклифи ва ихтиро ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, шундан олинган иқтисодий самара бир неча миллион сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга саноат ишлаб чиқаришни уюштиришдаги бир қанча камчиликлар ҳали ҳам давом этмоқда, бунинг натижасида баъзи саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича тўққиз ойлик планни бажармади. Суперфосфат ўғитлар, дизеллар, 100 киловаттгача қувватга эга бўлган ўзгарувчан ток электр двигателлари, куч трансформаторлари, бронекабель, пилталаш ва йигирув машиналари, қоғоз, хом ипак, ип ва шойи газламалар, пайпоқ, ички ва устки трикотаж, консервалар, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш плани бажарилмади.

Айрим саноат корхоналари сўнгги йилларда ишга туширилган ишлаб чиқариш қувватларини секин ўзлаштирмоқда, илғор технологияни, серунум машина ва ускуналарни ишлаб чиқаришга жорий қилиш планларини, шунингдек ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш планларини бажармасдан келмоқда.

Бир қанча корхоналар меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва жамғармаларни кўпайтириш юзасидан белгиланган планларнинг бажарилишини таъминламади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

БАЙРОҒИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети пахтани йиғиб-териб олиш ва давлатга сотиш юзасидан республика областлари, районлари ва совхозлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг октябрь ойи иккинчи ўн кунлиги якунини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **ХОРАЗМ ОБЛАСТИДА** (область партия комитетининг секретари **Б. Раҳимов**, область ижроия комитетининг раиси **М. Худойберганов**, область комсомол комитетининг секретари **Р. Авазжонова**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Н. Рўзметов**, область пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси **Р. Сибгатулин**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси **В. Пак**) қолдирдилар. Бу область йиллик пахта тайёрлаш планини 104,30 процент, машина терими планини 76,48 процент бажарган, октябрнинг иккинчи ўн кунлигида пахта тайёрлашда 31,63 процент ва машина теримида 31,08 процент ўсишни таъминлаган.

Кўчма Қизил байроқ **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАСИГА** (область партия комитетининг секретари **Қ. Камолов**, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг раиси **Д. Ешимбетов**, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси **Е. Айтмуродов**, область комсомол комитетининг секретари **С. Канёзов**, Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик министри **Т. Наврузбоев**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси **М. Кан**, «Узсельхозтехника» Қорақалпоғистон бирлашмасининг раиси **П. Сентов**) берилди. Автоном республика йиллик пахта тайёрлаш планини 89,89 процент, машина терими планини 67,74 процент бажарган, октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида пахта тайёрлашда 25,32 процент ва машина теримида 23,77 процент ўсишни таъминлаган. Байроқ Сирдарё областидан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ Хоразм областидаги **ХИВА РАЙОНИГА** (район партия комитетининг секретари **К. Раҳмонов**, район ижроия комитетининг раиси **Н. Худойберганов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Ш. Собиров**, район комсомол комитетининг секретари **А. Ҳожиева**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Н. Ражабов**) берилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 106,22 процент, машина терими планини 72,17 процент бажарган, октябрнинг иккинчи ўн кунлигида пахта тайёрлашда 36,86 процент ва машина теримида 30,91 процент ўсишни таъминлаган. Байроқ Сирдарё областидаги Пахтаорол районидан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ Хоразм областидаги **УРГАНЧ РАЙОНИГА** (район партия комитетининг секретари **П. Назаров**, район ижроия комитетининг раиси **А. Матчонова**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **К. Ғаффоров**, район комсомол комитетининг секретари **Н. Қаландаров**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **М. Раҳмонов**) берилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 102,70 процент, машина терими планини 83,10 процент бажарган, октябрнинг иккинчи ўн кунлигида пахта тайёрлашда 36,10 процент ва машина теримида 37,46 процент ўсишни таъминлаган. Байроқ Сирдарё областидаги Киров районидан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ Қорақалпоғистон АССРдаги **ЭНГЕЛЬС НОМЛИ СОВХОЗГА** (совхоз директори **Е. Панаев**, партия комитетининг секретари **У. Ортиқов**, ишчилар комитетининг раиси **Д. Иброҳимов**) берилди. Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 91,24 процент, машина теримн планини 108,0 процент бажарган, октябрнинг иккинчи ўн кунлигида пахта тайёрлашда 39,10 процент ва машина теримида 43,40 процент ўсишни таъминлаган. Байроқ Сирдарё областидаги «Пахтаорол» совхозидан олиб берилди.

Сурхондарё ва Самарқанд областлари, Шовот, Кегайли, Янгийўл, Пахтаорол, Фарғона, Қўрғонтепа, Галлаорол, Ғиждувон, Чироқчи, Сариосиё районлари ва Андижон областидаги «Савай» совхозида пахта териш ва тайёрлаш яхши ташкил этилганлиги қайд қилинди.

Африка бирлиги ташкилоти ассамблеясига мактуб

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Африка мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари ассамблеясининг раисига, мактуб юборib, СССР халқлари ва ҳукуматининг қизғин табрикларини йўллади.

Аккрадаги бу учрашув, деймакда, Африка халқларининг эзгу мақсадларини қўллаб, уларнинг озодлиги ва мустақиллиги манфаатларини қўллаб, жипслик ва бирдамликни кучайтириш йўлидаги қийинчиликларни бартараф этиш имкониятларини намойиш қилиб кўрсатади. Африка бирлигининг янада мустаҳкамланиши, қитъа мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар хусусида Африка бирлиги ташкилоти олижаноб принципларининг қарор топдирилиши қолган мустамлакачилик ва ирқчилик режимларини тугатиш учун, империализм, эски ва янги мустамлакачилик хавфига қарши, давлатларнинг ички ишларига аралашишга қарши курашмоқ учун тобора қулайроқ шарт-шароитларни вужудга келтириб бериши турган гап.

Совет ҳукуматининг бошлиғи ассамблея қатнашчиларининг муваффақиятли ва самарали ишлашларини тилади. (ТАСС).

ОЗАРБАЙЖОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Озарбайжон ССР колхоз ва совхозлари давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан олдин, 19 октябрда бажардилар. Тайёрлов пунктларига 300,4 минг тонна ёки ўтган йили шу давргача топширилганига нисбатан 18 минг тонна кўп пахта топширилди. Агжабеда, Пушкин, Ждонов, Собиробод, Барда, Имишли, Ағдам, Қосим Исмоилов районларининг пахтакорлари энг катта ютуқларга эришдилар. Пахта териш ва давлатга топшириш давом этмоқда. Улуғ Октябрь 48 йиллигини ва КПССнинг бўлажак XXIII съездини муносиб кутиб олишга қаратилган қилаётган республика пахтакорлари давлатга пландан ташқари камида 10 минг тонна пахта сотадилар.

БУХОРО НЕГА ИМИЛЛАБ ҚОЛДИ

Ниғим-терим бошланганидан буён дала кезаман. Пайкаллар оппоқ. Чаман-чаман пахталарни кўриб кўнглим тўлади. Дилдан севинаман. Ҳамманинг қўли чаноқда. Колхозчи, шаҳарлик ишчи ва студент, хуллас, ҳамма далада.

Хўш, шундай экан, нега Бухоро области республика сводкасида кейинга қараб юрялти? Бухороликлар мавсум бошларида иккинчи ўринда эди-ку? Тўғри, агар газетанинг бугунги сонини қўлга олиб кўрсангиз ҳайрон бўласиз. Бухоронинг судралиб қолаётганини шу кунлардя ҳар ким ҳар хил таъриф қиляпти, бироп: «пахтаси тугаб қолди» деса, бошқаси: «пахта очилмаяпти», дейди.

Отахон шоиримиз Ғафур Ғулом ўтган йил Тошкентда бўлган митингда сўзга чиқиб: «Бухоро пахтакорларига ҳар йили катта карвондан ортда қолиш йўргакда тенган касал бўлиб қоляпти...» деган эди. Афтидан, бунақа гаплар қолоқ хўжалик раҳбарларининг у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетаверади, шекилли. Бунинг устига область колхоз ва совхозларида антимеханизаторлик кайфиятидаги кишилар ҳам йўқ эмас.

Масалан, биргина Ромитан районида 284 терим агрегатидан атиги 40-45 таси ишлаётганлигини техникани менсимасликдан бўлак нима билан изоҳлаш мумкин? Пахта теримида ишлатилаётган бу «зангори кема»ларнинг бир кунлик ўртача иш унуми 500-550 килограммдан нарига ўтмаётир. Бухоро районида 126 дан ортиқ агрегатдан фақат 27 таси, Когон районидаги 100 га яқин машинанинг 17 таси. Вобкент, Навоий, Қоракўл районларида жами машиналарнинг атиги 17-20 процента пахта гермоқда. Область пахтакорларида жавлон уриши лозим бўлган 1.200 дан ортиқ «пўлат от»ларнинг қарийб 1000 таси бекор турибди.

Хўш, терим машиналарини кимлар, қандай сабаблар билан даладан чиқариб юборяпти? Ромитан районидаги Нариманов номли колхоз раҳбарлари билан суҳбатлашгудек бўлсангиз, улар доим: «техникага меҳримиз катта. Бу йил 560 тонна пахтани машиналар билан териб оламиз» дейишади. Лекин, 560 тонна пахтани машинада қачон териб олишларини ўзлари ҳам билишмайди. Гили бошқа-ю, дили бошқа А. Шарипов раислик қилаётган мазкур колхозда машина терими барбод бўлди. Ҳа, ишонаверинг, колхоз раиси А. Шарипов, партия ташкилотининг секретари Р. Халлоқов ўртоқлар ремонтдан чиққан тайёр агрегатларни дала бошига келтиридилар-у, аммо, пахтазорга киритишга журъат этолмадилар. Штурвалда ўтирган Т. Муродов, Ш. Маҳмудова, Ш. Баротова, Ж. Кенжаева сингари механизаторларни жеркиб машинадан туширib юбордилар. «Пахтага мен хўжайинман, далага машина киритмайман», деб туриб олди раис. Юқорида номлари эслар қилинган механик-ҳайдовчилар шу кунларда қўлда пахта термоқдалар.

— Колхозимиз раҳбарлари, — дейди ёш турсунойчи механизатор Жумагул Кенжаева, — биз механик-ҳайдовчиларни доғда қолдирдилар. Беш қиз ёан билан ўқишга қатнаб, олти ойлик механик-ҳайдовчилар курсини битирган эдик. Ҳозир бўлса раис анамизнинг ўжарлиги сабабли машина теримига ажратилган ерларнинг пахтасини қўлда терямиз.

Ажойиб табиатли А. Шарипов раислик қилаётган бу хўжалинда 7 та «зангори кема» билан ҳозиргача 60 тонна пахта терилган. И. Маҳмудов, Т. Шомуродов, С. Отамуродов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг машина теримига ажратилган пайкалларида пахталар чаноқларлан оқиб ётибди. Бунинг устига, машина кирмасин учун бу ерларга кун-аро сув қўйилмоқда. Бригада бошлиқларидан: «пахтани айни очилганда, сувга бостириш кимдан чиққан ақл?» деб сўрасангиз, елка қисишиб: «Раисимизнинг буйруғи — биз учун қонун» дейишади. Шунинг учун ҳам Нариманов номли колхоз правлениеси томонидан мавсум бошида тасдиқланган график мутлақо бажарилмай қолаётир. Мавжуд ишчи кучи, техника воситалари йиғим-терим ишларига тўла сафарбар этилмагани учун колхоз йиллик пахта тайёрлаш планини энди 60 процент бажаради.

Шу райондаги Калинин номли колхоз пахта тайёрлаш планини 20 октябргача бажариши лозим эди. Бунинг учун мавжуд терим агрегатлари икки сменада ишлаб, колхозчилар 32 процент пахтасини териб бериши кўзда тутилган. Ишчи кучлари, ёрдамчилар ҳосилнинг қолган қисмини йиғиб-териб олиши графикда қайд қилинган. Аммо графикда белгиланган кўрсаткичлар ақалли бирор кун ҳам бажарилмади. Бунга сабаб шуки, колхоз правлениеси (раиси М. Қурбонов) теримчилар механизаторларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни унутиб қўйди. Колхозчиларга вазда қилинган аванс пуллари ўз вақтида берилмади. Илғор теримчилар механик-ҳайдовчиларнинг иш тажрибалари оммалаштирилмади. Аксинча, терим агрегатлари колхоз раисининг кўрсатмаси билан қантариб қўйилди.

Шундан кейин колхозда терим суръати пасайиб кетди. Далаларда етарли миқдорда очилган пахта бор. Лекин ҳар бир теримчи 80-100 килограммдан эмас, 30-40 килограммдан пахта тера бошлади. Шундан кейин колхоз раиси М. Қурбонов пахтакорларга терим нормасини бажармаётгани учун даъдага қила бошлади. Раснинг кўполлиги дала ишларига яна путур етказди. Шу кунларда теримчиларнинг бир кунлик терган пахтаси ўртача 20-25 килограммни ташкил этмоқда. Колхоз ҳар куни давлатга йиллик планнинг 1,5-2 процентн миқдорида пахта сотиш имкониятига эга бўла туриб, 0,60-0,70 процент пахта топширмоқда.

Колхозда ишчи кучлари етарли. Колхозчилар ҳар куни далага чиқадилар-у, жон қойитиб ишламай уй-уйларига барвақт қайтадилар. Масалан, 19 октябрь куни М. Саломов бошлиқ бригадада ишга чиққан 47 теримчидан 29 киши пахта терган. Қолган колхозчилар белига этак тутган бўлсалар ҳам амалда пахтага қўл урмаганлар. Мазкур колхоз раҳбарлари пахтакорларни моддий рағбатлантириш, уларни қишлоқ хўжалик ишларига сафарбар этишда нўноқлик кўрсатишяпти. Колхоз раиси ўртоқ М. Қурбонов уялмай-нетмай шундай дейди:

— Март Пленуми материалларини ўша вақтда ҳамма ўқиб чиққан... Яхши от кейин чопади. Мана, 4-5 кундан кейин келиб кўрасиз, пахта териш суръатини оширib юборамиз...

Райондаги «Социализм», Ленин номли, «Ленинград» колхозларида ҳам худди шундай аҳволни кўриш мумкин. Ромитан районн пахтакорлари она-Ватанга 63 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилганлар. Бироқ район колхозларидаги манзаралар ромитанликларнинг ваъдага вафо қилмаётганликларидан далолат бериб турибди. Бунинг устига район пахтакорлари терим графигини бажармай, Бухоро областининг орқада судралиб қолишига сабабчи бўлаётирлар.

Бу ўринда Қоракўл, Когон, Навоий районларидаги қатор хўжаликларни ҳам гилга олиб ўтишга тўғри келади. Чунончи, Қоракўл районидаги «Шарқ юлдузи», «Правда», Навоий номли колхозларда пахта ҳалдан ташқари ноёб буд қилинмоқда. Когон районидаги «Коммунизм», «Партия XXII съезди» колхози, «Когон» совхозининг айрим бўлимларида пахтазорга ошнора равишда пода қўйиб юборилаётир. Бу ҳол Бухоро областида пахта учун ҳамма барабар қайғураётганлигини кўрсатади. Навоий районидаги Охунбобоев, Ленин номли, «Социализм», «Москва», Свердлов номли, Навоий номли хўжаликларда ҳам пахта териш ва тайёрлаш графиги сурункасига бажарилмай келаётир.

Бухоро область механизаторлари пахта териш ва давлатга сотишни ҳар қачонгидан ҳам кучайтириб, кунлик графикларнинг мунтазам бажарилишини таъминлашлари зарур. Бунинг учун область, район партия, совет ва хўжалик ташкилотлари мавжуд ишчи кучи ҳамда техника воситаларидан оқилона фойдаланишлари керак.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲУРМАТ тахтаси

Давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ёзилдилар

Қорақалпоғистон АССРдаги **БЕРУНИЙ РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ К. Нурумбетов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. ПРИМОВ, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ С. АЛИМОВ, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Ю. ПОЛВОННИЁЗОВ, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Б. АМИНОВ).

Хоразм областидаги **ХИВА РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ К. РАҲМОНОВ, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Н. ХУДОЙБЕРГАНОВ, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ш. СОБИРОВ, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ А. ҲОЖИЕВА, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Н. РАЖАБОВ).

Хоразм областидаги **УРГАНЧ РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ П. НАЗАРОВ, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. МАТЧОНОВА, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ К. ҒАФФОРОВ, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Н. ҚАЛАНДАРОВ, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ М. РАҲМОНОВ).

КПСС МК сентябрь Пленуми қарорларини амалга оширамиз

ЙЎЛИНГИЗ ЯҚИН БЎЛСИН

Улуғ Октябрь қуёши болқимасдан аввал чор Россиясининг чекка ўлкаси ҳисобланган Туркистоннинг ҳозирги Ўзбекистон территориясида дурустроқ йўллар йўқ эди. Дарё ва каналлардан ўтиладиган кўприклар йўқлиги натижасида йўловчилар кўп азият чекишарди. Асосий транспорт арава ҳамда бошқа отуловлардан иборат эди.

Ўзбекистонда автомобиль транспорти биринчи беш йиллик даврида пайдо бўлди. Кейинги йилларда эса ривожлана бориб, республика халқ хўжалигининг мустақил тармоғига айланди. Буни қуйидаги кичик бир мисолдан ҳам пайқаб олиш қийин эмас. 1924 йил январида республикамиз территориясида ҳаммаси бўлиб 223 та автомобиль мавжуд бўлса, шулардан 83 таси юк машиналари эди. Улар билан ўша йили 145 минг тоннагина юк ташилди. Ҳозир эса хўжалигимиз бу соҳаси беқиёс даражада юксалиб кетди. 1965 йил бошида фақатгина бизнинг министрлигимиз ихтиёридаги юк машиналари 14824 тага етди.

Асосан биринчи беш йиллик охирларида автобуслар ёрдамида пассажирлар ташишга кўчилди. 1932 йилда дастлабки автобуслар пайдо бўлди. Улар Андижон — Ўш маршрути бўйлаб ҳаракат қила бошлади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган пассажир автобуслари Ўзбекистонга келтирила бошлади. 1934 йилда республикамизда тўрт маршрут бўлиб, уларнинг умумий узунлиги 205 километрдан иборат эди. Бу маршрутларда 10 автобус ҳаракат қилди ҳамда 566 минг пассажир ташилди. Юқорида келтирилган рақамлар билан 1964 йилдаги кўрсаткичларимиз фарқини ўзингиз таққослаб кўра қолинг. Ўтган йили умумий узунлиги 28587 километр бўлган 718 маршрутда пассажир автобуслари қатнади. Уларда 571,6 миллион пассажир белгиланган манзилларга етказилди.

Такси хизмати кўрсатиш республикамизда кейинроқ пайдо бўлди. Биринчи енгил такси машиналари 1939 йил охирларида олинди. Бир йил кейин уларнинг сони 34 тага етди. Ҳозир эса енгил такси машиналари қарийб 2,5 минггина ташкил қилади.

Ўлкамизда автомобиль транспортининг юксала бориши йўллар ҳолатини яхшилашни тақозо этди. 1930—1940 йилларда республикамизда автомобиль йўллари қуриш оммавий равишда бошлаб юборилди. 1933 йилда йўл қурилишида маҳаллий материаллардан фойдаланишга киришилди. Аммо маҳаллий нефть маҳсулотларини қайта ишлаш натижасида олинадиган қолдиқлардан йўл қурилишида фойдаланишга 1948 йиллардан кенг равишда киришилди. Нефть қолдиқлари билан шағал аралаштириб, йўллар барпо этиш оммавий тус олди.

Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги натижасида республикамиз ҳозирги вақтда автомобиллар қатнайдиган равон йўлларга эга бўлиб қолди. Деярли ҳамма асосий магистраллар асфальтланган ёки қора мой билан шағал аралаштирилган. Барча область марказлари ва шаҳарлар республика пойтахти билан асфальт йўллар орқали боғланган. Янги ўзлаштирилаётган Марказий Фарғона, Мирзачўл, Шеробод ва Қарши чўли, Аму—Бухоро канали зонаси ҳамда Амударёнинг қуйи қисмида катта ҳажмдаги йўл қурилиши ишлари амалга оширилди. Ҳозирги вақтда республикамизда 14.5 минг километрдан ортиқ автомобиль йўллари асфальтланган. Бундай йўллар қурилиши ҳар йили кўпаймоқда.

Ҳозирги вақтда автомагистраллар қурилиши тобора кенгайтирилмоқда. Газли — Дулдуа автомагистрали барпо қилинмоқда. Бу йўл қуриб битказилгач, Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРнинг республикадаги марказий областлар билан транспорт алоқаси яхшиланади. Қарши — Косон — Муборак — Когон — Бухоро — Газли ва Ҳўжайли—Қўнғирот автомагистраллари қурилиши тугалланмоқда.

Шу йил бошида Самарқанд область йўлчиларининг ташаббуси кенг қанот ёза бошлади. Самарқандлик йўлчилар колхоз ва совхозлар билан ҳамкорликда йўл қурилиши ва автомобиль йўлларини ремонт қилиш юзасидан икки ойлик эълон қилишди. Самарқандликлар ташаббуси барча областларда қўллаб-қувватланди. Икки ойлик мобайнида катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. 3090 минг кубометр тупроқ ишлари бажарилди. 1045 минг кубометр шағал тўкилди. 3200 метрдан ортиқ кўприклар ва йўлларни кесиб ўтадиган қувурлар ремонт қилинди. Хоразм областининг ўзигагина 10 кунда 71 километр узунликдаги колхозлараро йўллар текисланиб бўлди. Икки ойликда республика бўйича кўпгина йўл қурилиши ва автомобиль йўлларини ремонт қилиш ишлари адо этилди.

Йўл қурувчиларнинг шу сингари ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлашлари натижасида бу йилги бажарилган ишлар ҳажми 1964 йилдагига нисбатан 14 процент ортди. Бу йил 657 километр узунликдаги янги цемент-бетон ва асфальт йўллар фойдаланишга топширилиши керак. Шунингдек, ҳозир автомобиллар қатнаб турган 300 километр узунликдаги йўлларга шағал устидан қорамой тўкиб текисланади. Натижада республикада автотранспорт қатнови яхшиланади. Тошкент шаҳрида янги айланма йўл фойдаланишга топширилади. Янги йўл Қўйлиқ билан Луначарский аҳоли яшайдиган пунктларни бир-бирига боғлайди. Шу йўл билан Қўйлиқ ҳамда Луначарский томондан келадиган машиналарнинг катта оқими бартараф қилинади, улар шаҳар ёқалаб янги йўлдан қатнай бошлайдилар. Хоразм областининг йўл қурувчилари ҳам 41 километр узунликдаги йўлларга асфальт ётқизадилар. Қорақалпоғистон АССР территориясида янгидан ташкил қилинаётган шоликорлик совхозларига олиб борадиган 61 километр узунликдаги йўллар фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари Мангит—Хитой қишлоқ, Шумачай—Қўнғирот, Тўрткўл—Қирққиз автомобиль йўллари ва Нукус — Тўрткўл йўлининг бир қисми ишга туширилади.

Министрлигимизга қарашли автомобиль хўжаликларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ҳам пассажирлар йўлини яқин, юкини енгил қилиш учун қурашда яхши натижаларга эришмоқдалар. Ўтган йили умумий фойдаланишдаги автотранспорт билан 61,8 миллион тонна халқ хўжалиги юклари ташиб берилди. 37,7 миллион тонна қишлоқ хўжалиги юклари, қарийб 6 миллион тонна пахта, пахта толаси, чигит ташиб берилди. Бу йилги ишларимиз ҳам анча дуруст бормоқда. Министрликка қарашли автомобиль хўжаликларининг коллективлари етти йилликнинг якунловчи йилида қарийб 80 миллион тонна халқ хўжалиги юклари ташиб беришга аҳд қилишган. Ғалла ташишга 1640 автомашина ажратилди. Мева ҳамда сабзавотларни ташишда банд бўлган 400 автомашина билан кейинги бир ойда 146 минг тонна юк ташилди.

Пассажирлар ташиш топшириқлари ҳам муваффақиятли бажарилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумида автомобиль транспортини тағин ҳам ривожлантириш перспективалари ва бу соҳадаги мавжуд камчиликлар очиқ-ойдин кўрсатиб берилди. Министрлигимизга қарашли корхоналарнинг меҳнаткашлари партиямиз Пленуми материалларини қизғин қўллаб-қувватлаш билан бирга, уни амалга ошириш учун енг шимариб ишга киришдилар. Кўпгина коллективлар автомашиналардан яна ҳам самаралироқ фойдаланишга қаратилган янги-янги резервларни топмоқдалар, ишга солмоқдалар.

Республикамиз автомобиль транспортининг келажаги яна ҳам порлоқ. Келгуси беш йилликда пассажирлар ташиш 1,8 баравар ортади. Шу давр ичида таксомотор парклари 2,3 баравар кенгаяди. Янги ерларни ўзлаштириш, ирригация иншоотлари барпо этиш учун олиб борилаётган курашга автомобилчилар муносиб ҳисса қўшадилар. Кўпгина йўл қурилиши ташкилотлари зарбдор қурилишларни зарур материаллар билан таъминлаш учун курашда янги-янги ташаббусларни бошлаб бермоқдалар. Ана шу йўл билан бу йил ўтган йилдагига нисбатан 5 миллион тонна кўпроқ қурилиш материаллари ташиб бериш кўзда тутилмоқда.

Партия Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларидан рўёбланган республикамиз йўл қурувчилари ва автомобилчилари яқин 2,5-3 йилда барча колхозлар, совхозлар, пахта тайёрлаш пунктларини текис автомобиль йўллари ёрдамида магистраль йўлларга боғлаш тадбирларини кўрмоқдалар. Шу тариқа қишлоқ хўжалигини тағин ҳам юксалтириш, пахта ва бошқа юкларни ташиб бериш муддатларини қисқартиришга ҳамда таннархини арзонлаштиришга муносиб ҳисса қўшамиз.

П. БОБОХОНОВ,
Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрининг биринчи ўринбосари, техника фанлари кандидати.

ДЎСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

Ҳиндистон парламент ишлари ва алоқалари министри Сатья Нараян Синха бошчилигидаги Ҳиндистон штатлари қонун чиқарувчи мажлислари депутатларининг делегацияси жавоб визити билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Делегация 21 октябрга ўтар кечаси Тошкентга келди.

Меҳмонларнинг келиши шарафига аэродромга Ҳиндистон, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР байроқлари тикиб қўйилди. Дўст давлатнинг вакилларини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси О. Содиқов, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев, республика Олий Советининг депутати С. Р. Расулов, Ўзбекистон ССР алоқа министри В. Йўлдошев, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. А. Асомов, республика ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ў. А. Рустамов, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти президиумининг раиси Ҳ. С. Шукурова, Матбуот вакиллари хурсандчилик билан кутиб олдилар.

Делегация аъзолари 21 октябрда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова ҳузурида бўлдилар.

Учрашув вақтида дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

Ҳиндистондан келган меҳмонлар Ўзбекистонда уч кун туришади. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КОММУНИСТЛАР

Бултур Улуғ Октябрь байрами арафасида Ленин районидаги «Победа» колхози пахта тайёрлаш планини бажарганида шу хўжаликнинг аъзоси Матёқуб ака Дўстматов катта бир гулдаста кўтариб правлениега келган эди. «Топган гул, топмаган бир боғ пиёз келтирур деганларидай, бу гулдастани бутун ҳамқишлоқларимга, колхозимизнинг янги раиси — ҳали ёш бўлса ҳам пахтачилик илмини беш қўлдай биладиган Ҳошимжонга келтирдим», деди ўшанда Матёқуб ака. Куни кеча яна ўша колхозга бориб билсам, у тағин бултургидақа, ҳатто ундан ҳам ажойиб гулдаста тайёрлаш ниятида юрибди.

Хўш, Матёқуб ака гулдастасига сазовор бўладиган қишлоқ пахтакорлари, оташ қалб коммунистлар, хўжалигининг тиниб-тинчимас раҳбари Ҳошимжон Исмонов бу йил пахта фронтида қандай ишлашяпти, қандай шижоат кўрсатишяпти. Шуниси борки, «Победа» колхозининг аъзолари об-ҳаво шароити ёмон келган энг оғир вазиятларда ҳам саросимага тушишмайди. Шундай йиллар ҳам бўлганки, қўшни хўжаликлардагилар: «Победа»линларнинг бу йил иши ўнгидан келмади. Энди планни бажариб бўпти», деган кезларида ҳам қишлоқ коммунистлари, колхознинг азамат пахтакорлари ўзларида куч-ғайрат, ирода топишиб, планни ўринлатиб кетишган.

«Победа»линлар район кўрсаткич тахтасида биринчи бўлишмаса-да, ҳар қалай терим суръати бўйича дуруст кетишяпти. Уларнинг ҳосилдорлик бўйича олган мажбуриятлари ҳам оз эмас-да, ахир. Ҳар гектар ердан камида 33 центнердан «оқ олтин» олиш иштиёқида меҳнат қилишяпти, бу азаматлар!

— Утган йилги тажриба шуни кўрсатдики, — дейди колхоз раиси Ҳошимжон Исмонов, — правление партия ташкилотига, барча қишлоқ коммунистларига таяниб иш қилса, кутилган мақсадга эришилар экан.

Дарҳақиқат, колхоз правлениеси колхоз партия ташкилоти, унинг ишчан, сергайрат секретари Эгамберди Раҳмонов билан яқин ҳамкорликда ишлаяпти. Бу эса хўжалигда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, коммунистларнинг авангардлик ролини оширишда яхши натижалар бермоқда. Чунончи, йил бошида бир неча бригада бошлиқлари ташаббускор, ишбилармон коммунистлардан тайинланди. Натижа чакки бўлмаяпти. Лоақал коммунист Юнусали Юсупов бошлиқ бригадани олиб кўрайлик. Илгарилари дон-ем орқада қолиб келаверган бу коллектив ҳозир колхозда илғорлар сафидан ўрин олди. Бунда шубҳасиз коммунист Юсуловнинг ҳиссаси катта. Фозилжон Баҳриддинов шу йилдан бошлаб бригадир бўлган 8-бригадада ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Мазкур коллектив ҳам «оқ олтин» етиштиришда ҳамда уни йиғиб-теришда давлатга топширишда пешқадамлик қиляпти. Коммунист Баҳриддин Улмасов участка агрономи бўлган коллектив пахтакорлари, коммунистлари ҳақида қанча яхши гапларни айтсанг шунча оз. Бу участка бригадалари пахта тайёрлашда пешқадамлик қилишяпти. Масалан, коммунист Комилжон Нурматов бошлиқ бригадани олиб кўрайлик. Бригада коммунистларининг ташаббускорлиги, кишиларни ҳалол ва унумли ишлашга сафарбар қила олиш маҳорати туфайли бу ерда пахта тайёрлаш плани муваффақият билан адо этилди. Мерган Эгамов, Ҳошим Хўжаев бошлиқ бригадалар ҳам бўш келишмаяпти.

Пахта учун курашнинг энг долзарб, масъулиятли дамларида колхоз коммунистлари зўр сезгирлик, ҳамжиҳатлик намуналарини кўрсатишди. Масалан, колхознинг 4-бригадасида терим бошланган дастлабки кунларда иш унча юришавермади. Колхоз партия ташкилоти бу ерга бухгалтерия ходими коммунист Абдуғаффор Йўлдошевни юборди. Ёш коммунист бригададаги аҳвол билан муфассал танишиб, бу ерда бир-икки кун ичида меҳнат интизомини мустаҳкамлади, колхозчиларга маданий-маиший шароит яратиб беришда бригада бошлиғига яқиндан ёрдам кўрсатди. Қарабсизки, бригадада ишлар яхши юришиб кетди. Шунинг учун ҳам бу коллектив пахта тайёрлаш планини бажариш арафасида турибди.

Колхоз партия ташкилоти секретарининг кабинети пахта учун курашнинг жанговар штабига айланди. Ҳар куни ишдан сўнг бу ерга коммунистлар, мутахассислар, механизаторлар йиғилишиб бугунги ишга якун ясашади, эртанги ишларнинг режаларини белгилашади. Коммунистларнинг, колхоз активларининг ақл-заковати, коллектив фикри туфайли хўжаликда «оқ олтин» учун кураш қизитиб юборилган. Лекин шундай бўлса ҳам, муваффақиятлардан эсанкирамайдиган колхоз коммунистларининг, колхоз раиси Ҳошимжон Исмонов, партбюро секретари Эгамберди Раҳмоновларнинг кўнгли тинчиганми йўқ. Улар кунни тунга, тунни эса кунга улаб меҳнат қилишмоқда, қишлоқ меҳнаткашларини етиштирилган ҳосилнинг бир чигитини ҳам қолдирмасдан йиғиб-териб олишга сафарбар қилишмоқда. Шубҳасиз, уларнинг меҳнати, ғайрати зое кетмайди. «Победа» колхози аъзолари бу йил Ватанга камида 3.000 тонна «оқ олтин» сотиш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажарганликлари ҳақида ҳа демай ғурур билан рапорт беришади. Ана ўшанда гул соҳиби, пахта соҳиби Матёқуб ака Дўстматов ўзининг дилидан атаган гулдастасини жонажон ҳамқишлоқларига, уларни шижоат кўрсатиб меҳнат қилишга сафарбар этган колхоз коммунистларига тақдим қилиб:

— Азиз ҳамқишлоқларим, пахта деса жонини ҳам аямай меҳнат қилувчи ҳамқишлоқларим бутун меҳримни, муҳаббатимни сарфлаб ўстирган гулларимдан ясаган гулдастамни қабул қилингиз. Меҳнатингиз, ҳаётингиз, келажагингиз мана шу гулдастадай гўзал ва зийнатли бўлсин! — дейди.

Н. УЛУҒЖОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.



АНДИЖОНдаги Охунбобоев номли массивда ҳар томонлама қулай квартиралар кўплаб қад кўтармоқда. Келгусида массивда яшовчилар яна ҳам ортади. Шу кеча-кундузда бинокорлар яна бешта уйни тезроқ фойдаланишга топшириш тараддудини кўраётирлар. Л. Глауберзон фотоси.

МАҲАЛЛА МУАММОСИ

Сайловчилар рейди

Шаҳримиз йил сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Тошкентнинг бош планига мувофиқ, тор кўчалар, плансиз қурилган жойлар бузилиб, янги уй-жой, жамоат бинолари қурилмоқда, шаҳарчалар барпо этилмоқда. Биз сайловчилар бундан хурсандмиз. Шунинг учун ҳам ота-бобомиздан қолган, яшаб турган уй-жойларимиз ўрнида кўп қаватли, ҳушқомат маданий-маиший хизмат корхоналари бунёд этилишини эшитганимизда чин кўнгилдан бошқа ерга кўчиб ўтишга рози бўлдик. Бир қисмимиз тайёр уй-жойларга бордик, қолганимиз ўз хоҳишимиз билан ер — участкага кетдик.

Бизга, жумладан, Чилонзор районидан ер ажратиб беришди. Саккиз юздан ортиқ хонадон бирлашиб «Мевазор» маҳалласини туздик. Кўп ўтмай давлатнинг яқиндан берган ёрдами билан кўпхонали, ёруғ, кенг уй-жойлар қуриб олдик. Жамоатчилик асосида ариқлар қазиб, кўчатлар ўтқазиб, кўчаларни текисладик. Ҳашар йўли билан маҳалла комитети учун бино қурдик. Ободончилик ва қурилиш соҳасида қўлимиздан келган ёрдамни қилишга ҳали ҳам тайёрмиз.

Лекин янги маҳалла олдида шундай муаммолар борки, уни ечишга шаҳар партия ва ижроия комитетлари ёрдам бермаса, бизнинг қувватимиз етмайди.

Ҳозир бу ерга келганимизга бир неча йил бўляпти. Маҳаллада мингдан ортиқ ўқув ёшидаги ўғил-қиз, беш юздан кўпроқ студент, уч мингга яқин ишчи ва хизматчи истиқомат қилади. Боғча ва ясли ёшидаги гўдаклар, уй хўжалиги билан шуғулланувчи аёллар, пенсионер ва инвалидлар бу ҳисобга кирмайди.

Шунча аҳоли истиқомат қилаётган бу маҳалла жуда секинлик билан равнақ топмоқда. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари шаҳар ва район ижроия комитетлари томонидан етарли даражада ўрганилмаётир. Зарур ва муҳим наказларни бажариш у йилдан бу йилга кўчирилиб, сансалорлик авжига чиқмоқда.

Маҳалла шаҳар, район марказларидан ўн чақирим четда жойлашган. Ўзлаб кишилар шу масофадан ўтиб, корхона ва муассасаларга ишга қатнайдилар. Шунга қарамай, узлуксиз қатнайдиган автобус йўқ. Беруний майдонидан қатнайдиган 59-автобус агар шофер хоҳласагина қадам ранжида қилиб қолади, холос.

Ўзлаб фарзандларимиз мактаб йўқлигидан олисдаги билим ўчоқларига қатнашга мажбур бўлмоқдалар. Айниқса, саноат моллари ва озиқ-овқат моллари магазини биноси қурилмаганлигидан меҳнаткашлар ҳафа. Улар арзимаган уй-рўзғор буюмлари, туз, совун, гугурт каби нарсалар учун ҳам беш-олти километр йўл босиб, вақтларини беҳуда сарфламоқдалар.

Тозалик, озодагарчилик бор ерда — сиҳат-саломатлик мавжуд, деймиз. Шундай экан маҳаллага шу кунгача водопровод суви келтирилмаганлигини қандай баҳолаш керак? Кўчалар у ёқда турсин, тротуарларнинг ҳам тўла тартибга солинмаганлиги натижасида ҳавони бузаётган чанг-тўзондан қандай қутулиш керак. Бунинг устига бирон жой билан боғланиш зарур бўлса гаплашишга лоақал телефон-автомат ҳам йўқ.

Бу каби камчилик ва етишмовчиликлар Октябрь районидаги янги маҳаллаларда ҳам мавжуд. Биз сайловчилар ўз наказларимиз изидан бориб, уларнинг ғоятда зарур бўлишига, амалга ошиши имкониятлари борлигига, планларда кўрсатилиб охири бажарилмаётганлигидан ғижиниб-ма и ш и й хизмат кўрсатиш корхоналарини қуришдан бошлаш масаласини илгари сурмоқда.

Шундай экан, Тошкент шаҳрида бу муҳим ва ҳаётий масалага қачон етарли эътибор берилади? Янги маҳаллаларнинг меҳнаткашларининг талаб ва эҳтиёжлари қачон амалга оширилади?

Шаҳар партия ва ижроия комитетлари бу кечиктириб бўлмайдиган вазифани ҳал қилишга астойдил киришишлари керак.

Янги маҳаллаларда яшаш учун, меҳнат қилиш учун, қатнов учун зарур бўлган қурилишларни биринчи навбатда амалга ошириш чорасини кўриш лозим.

Рейд аъзолари:
Ҳ. ҚОДИРОВ,
ўқитувчи.
А. СУЛТОНОВ,
пенсионер.
Р. АКРАМОВ.

Амударё янгиликлари

ИШЧИ-ЁШЛАР МАКТАБИ

Манғит посёлкасида ташкил қилинган ишчи-ёшлар кечки мактабида 150 дан ортиқ киши ўқимоқда.

МАГАЗИН ВА МЕҲМОНХОНА

Крупская номли колхозда озиқ-овқат ва болалар кийим-кечаклари билан савдо қиладиган магазин ҳамда янги меҳмонхона ишга туширилди.

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Колхозлараро қурилиш конторасн Энгельс номли колхозда меҳмонхона, ясли ва ўндан ортиқ уй-жой биноларини фойдаланишга топширди. «Коммунизм», «Ленинизм» колхозларида ҳам бир қанча янги бинолар қад кўтарди.

О. НАЖИМОВ.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ХАЗИНАЛАР МАКОНИ

Гуллатиш, яшнатиш касби-кори бўлган совет кишилари Марказий Фарғонани ҳам, Мирзачўлни ҳам, Қарши даштини ҳам маъмурчилик воҳасига айлантириш, гулистон, боғ-бўстон, экинзор қилиш учун нураштмоқдалар.

Ана шу уч наҳлавонининг бири — Қарши дашти ҳам битмас-туганмас хазиналар макони. 1970 йилгача Қарши даштида камида 200 минг гектар ерда деҳончилик қилинади. Асрлар мобайнида қақраб ётган бу дашт инсон иродасига тўла итоат этгач ўз сахий қўйнидан Ватанга ҳар йили 2 миллион тонна пахта, 500 минг тонна шоли, 330 минг тонна маккажўхори дони, 770 минг тонна сут, 250 минг тонна гўшт инъом этади.

Чўл тобора чекинмоқда. «Каршистрой» бошқармасининг азамат коллективи янги уй-жой қуриш, ровон йўллар чиқариш, денгизлар барпо қилиш учун мардона курашмоқда.

Қарши район **«Коммунизм алангаси»** газетаси чўлқуварларнинг мардона ишини ярқин ёритаётир. Газетанинг кейинги бир сони ҳам Қарши чўли азаматларининг ишига бағишлаб чиқарилди. «Бўз қўйнидан ундирмоқчун дурдона, чўлқуварлар ишламоқда мардона» деган умумий сарлавҳа остида кўпгина қизиқарли материаллар, биринчи саҳифада «Чўл чорлайди» сарлавҳали бош мақола, тўртинчи саҳифада «Қарши жамоли», «Саҳро булоқлари» сарлавҳали материаллар берилган.

Чўл-даштларни яшнатишда фидокорона меҳнат қилаётган кишилар ҳақида кўпроқ материаллар бериш маҳаллий газеталарнинг муҳим вазифаларидандир.

ПЛЕНУМ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми материалларини Фарғона шаҳридаги саноат корхоналарининг коллективлари ҳам катта қизиқиш билан ўрганаётирлар.

8-қурилиш трести партия комитетининг ташаббуси билан бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг яқинда бўлиб ўтган семинарида КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми материалларини пропаганда қилиш, партия XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кучайтириш ҳақида фикр олишилди. Шаҳар партия комитети ташкилий бўлимининг мудири В. Я. Овшанников, трест партия комитетининг секретари Э. А. Таймазов ўртоқлар семинарда сўзга чиқишди.

Партия комитети аъзолари, активлардан бир неча киши КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми материалларини тушунтириш учун қурилиш ташкилотларига юборилди. Айни вақтда трест бошқарувчиси А. С. Алтухов, 5-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Л. А. Аппазов, уй қуриш комбинатининг директори А. С. Алишева, 3-темир-бетон буюмлари заводининг директори И. Э. Лопанов, «Средазнефтезаводмонтаж» трести 2-монтаж бошқармасининг бошлиғи Ғ. С. Собиров ўртоқлар коллектив ўртасида Пленум материалларини кенг тушунтириш юзасидан ибратли ишлар қилмоқдалар. Улар ишчиларга Пленум томонидан қўйилган вазифаларни конкрет мисоллар билан тушунтирмоқдалар.

Шаҳардаги Дзержинский номли тўқимачилик комбинати, фуран бирикмалари химия заводи ва азот ўғитлар заводи партия ташкилотлари ҳам КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини пропаганда қилиш, тушунтириш юзасидан ниддий тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Т. МАҲМУДОВ.

ҚУДРАТЛИ

Социалистик мамлакатларнинг 1949 йилда тузилган Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлиги шу мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлигининг муҳим формаси бўлиб қолди. Бу нарса социалистик лагердаги ҳар бир мамлакатнинг ва бутун социалистик лагернинг ишлаб чиқарувчи кучларини энг жадал суръатлар билан ривожлантириш манфаатларига тўла мос бўлиб тушади.

Совет Иттифоқи, Польша, Чехословакия, Венгрия, Болгария, Руминия, Германия Демократик Республикаси ва Монголия Халқ Республикаси Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашининг тенг ҳуқуқли аъзоларидир. Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашининг шу кенгашга аъзо бўлган мамлакатлар Министрлар Советлари Раисларининг ўринбосарларидан иборат Ижроия Комитети тузилган.

Муайян географик, иқтисодий ва тарихий сабабларга кўра, баъзи иқтисодий проблемалар Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган давлатлардан иккитасини ёки шу давлатларнинг кўпчилигини қизиқтиролади. Шу сабабли Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган социалистик мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик икки томонли ва кўп томонли бўлиши мумкин. Чунончи, СССР билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасида энергетика ускуналари комплексини етказиб бериш ҳақида ва Руминияда 1965—1967 йилларда 1 миллион киловатт қувватга эга бўлган теплоэлектростанциялар қуриш ва ишлаб турган теплоэлектростанцияларни кенгайтиришда Совет Иттифоқининг техника ёрдами кўрсатиши тўғрисида битим имзоланган.

1964 йилда Венгрия, Польша ва Чехословакия ўртасидаги келишувга биноан, ана шу мамлакатларнинг металлургия саноати соҳасидаги ҳамкорлигини йўлга қўювчи ташкилот — «Интерметалл» тузилди. Кейинчалик бу ташкилотга СССР, Болгария ва Германия Демократик Республикаси ҳам қўшилди.

Венгрия билан Болгария иқтисодий ҳамкорлигининг янги формасини қўлланиб, яқинда аралаш «Агромаш» ва «Интрансмаш» жамиятлари тузилдар. «Агромаш» жамиятини тузишдан мақсад — сабзавотчилик ва токзорчиликдаги ишлари механизациялашга мўлжалланган машиналар ва системаларни техника жиҳатдан такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни координациялашдир. «Интрансмаш» заводларида ички транспортнинг ҳозирги замон системасини барпо этиш соҳасидаги тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик ва экспериментал ишларни амалга оширади.

Кейинги вақтларда Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида йирик объектларни биргаликда қуриш кенг туе олди. СССР, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси ва Чехословакия Социалистик Республикасининг биргаликда қувғайрат сарфлаши билан «Дўстлик» нефть қувури қурилиб ишга туширилди. Узунлиги 4500 километрдан кўпроқ бўлган жаҳонда энг йирик бу магистраль ана шу 5 та социалистик мамлакатнинг территориясидан ўтади.

Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг энергетика системасини бирлаштириш соҳасидаги ишлар ҳам шу тариқа ҳамжиҳатлик билан олиб бориляпти. Бир-бирига туташ электр линиялари Германия Демократик Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси, Польша Халқ Республикаси ва Венгрия Халқ Республикаси ва Руминия Социалистик Республикаси ҳамда Украина ССРнинг ғарбий областларини ягона энергетика ҳалқасига бирлаштиради.

Бирлашган Ядро институти, стандартлаш бўйича Халқаро институт бир неча йиллардан буён ишлаб турибди. Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган давлатлар ўртасида 93 минг та юк вагонларининг умумий паркини вужудга келтириш ва ундан биргаликда фойдаланиш тўғрисида шартнома тузилди.

Ўзаро Иқтисодий Ердам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга техника ёрдами кўрсатишда Совет Иттифоқининг роли каттадир. Кейинги йилларда кенгашга аъзо бўлган мамлакатларда СССРнинг ёрдами билан 180 дан кўпроқ саноат корхона ва объектлари қуриб фойдаланишга топширилди.

Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши аъзолари ўртасида илмий-техника муваффақиятларини айрибошлаш юзасидан жуда катта ва фойдали ишлар олиб борилмоқда. 1948 йилдан 1964 йилгача ўтган давр ичида СССР Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган

ТЎРТКЎЛ ТОРТИҒИ

НУКУС, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). КПСС XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада фидокорлик кўрсатаётган Тўрткўл райони пахтакорлари улкан меҳнат зафарини қўлга киритдилар — йиллик пахта тайёрлаш планини бажарганликлари тўғрисида галаба рапорти бердилар.

Димитров номли, Ильич номли, «Коммунизм», «Ленин йўли». «Қирққизобод», «Ленинград» колхозларида ва Максим Горький номли совхозда ҳар қачонгидан ҳам кўп ҳосил етиштирилди. Бу хўжаликлар бир неча кундан бери давлатга мажбурият ҳисобидан «оқ олтин» топширишмоқда.

План бажарилди. Тўрткўлликлар она-Ватанга 52 минг 500 тонна «оқ олтин» тортиқ қилдилар. Бу ҳар гектар ердан 29,3 центнердан хирмон кўтарилди демакдир. Далаларда эса ҳали пахта кўп. Шуни ҳисобга олиб, район хўжаликлари пахтакорлари яна давлатга 11 минг тонна пахта етказиб беришга сўз бердилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.



Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози республикада биринчилар қатори йиллик планни муваффақиятли адо этган эди. Колхоз пахтакорларининг бу ажойиб галабасига мана шу суратдаги кўпминг килограммчи теримчилар (чапдан): Зулфия Абдукаримова, Бахтигул Жуманазарова, Рихси Файзуллаева ва Маъфират Қорабоева ўртоқлар муносиб ҳисса қўшишди. Уларнинг ҳар бири мавсумда 9-10 тоннадан «оқ олтин» терди. А. Тўраев фотоси.

„ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИГА

Республикада пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 21 октябргача бўлган маълумот

ОБЛАСТЛАР

(Планга нисбатан процент ҳисобида; биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи стун — мавсум бошидан; тўртинчи стун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи стун — мавсум бошидан)

ТОШКЕНТ	0,61	105,93	0,57	109,45
ХОРАЗМ	2,51	104,30	1,92	76,48
Сурхондарё	1,50	96,53	0,81	93,83
Самарқанд	1,87	95,80	0,71	70,27
Қашқадарё	0,73	94,52	—	37,01
Фарғона	0,99	91,50	0,34	86,95
Қорақалпоғистон АССР	2,45	89,89	2,51	67,74
Бухоро	0,86	89,58	0,03	27,43
Андижон	1,01	86,15	0,92	74,04
Сирдарё	1,78	82,13	1,15	101,93
Ўзбекистон ССР бўйича:	1,36	92,21	0,93	81,72

Республикада 20 октябрь куни 49.204 тонна пахта тайёрланди.

РАЙОНЛАР

(Планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи стун — областлар ва районлар; иккинчи стун — мавсум бошидан бери тайёрланган пахта; учинчи стун — машинада терилган пахта)

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
ОРЖОНИКИДЗЕ	119,86	116,10
ОҚҚЎРҒОН	110,68	130,09
ЎРТА ЧИРЧИҚ	110,47	111,78
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	109,19	121,67
КАЛИНИН	106,06	70,47
БЎКА	105,90	112,36
Янгийўл	99,60	89,58
Бекобод	94,62	95,72
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
ЯНГИАРИҚ	110,35	67,18
ШОВОТ	106,56	106,08
ХИВА	106,22	72,17
ҲАЗОРАСП	105,81	75,51
УРГАНЧ	102,70	83,10
Гурлан	91,09	69,77
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
ШЎРЧИ	104,33	101,34
Сариосиё	99,60	111,34
Шеробод	97,56	45,51
Денов	95,55	97,60
Жарқўрғон	95,12	98,36
Термиз	80,90	43,56
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
ҒАЛЛАОРОЛ	110,50	—
НАРПАЙ	105,84	81,48
ХАТИРЧИ	103,62	76,97
Пайариқ	98,14	76,84
Каттақўрғон	94,34	68,40
Булунғур	93,26	75,33
Иштихон	92,15	57,01
Пастдаргом	87,23	49,33
Самарқанд	76,06	85,86
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
ЧИРОҚЧИ	111,21	25,54
ШАҲРИСАБЗ	103,94	35,33
ҚАМАШИ	102,43	47,80
ҒУЗОР	102,18	95,00
ЯККАБОҒ	100,05	27,54
Косон	84,84	53,00
Қарши	68,86	30,38
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
КИРОВ	115,84	106,86
ЎЗБЕКИСТОН	103,40	101,26
Поп	98,73	102,45
Ленинград	94,94	81,14
Бағдод	92,57	74,75
Олтиариқ	82,58	69,90
Охунбобоев	82,20	73,52
Қува	80,00	93,62
Фарғона	77,36	57,05
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
БЕРУНИЙ	105,01	72,42
ТЎРТКЎЛ	100,09	73,57
Хўжайли	94,72	52,67
Амударё	91,24	68,55
Чимбой	76,71	50,25
Кегайли	75,88	89,04
Қўнғирот	72,86	71,85
БУХОРО ОБЛАСТИ		
Бухоро	94,12	29,15
Ғиждувон	92,91	28,44
Вобкент	91,92	16,92
Коғон	91,62	35,23
Навоий	87,84	33,06
Ромитан	86,14	29,93
Қоракўл	83,62	23,41
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
БЎЗ	108,96	115,04
ЗАДАРЕ	107,37	107,26
Чуст	94,19	76,10
Наманган	93,58	63,94
Москва	88,41	79,91
Балиқчи	85,36	94,51
Янгиқўрғон	84,94	70,77
Учқўрғон	84,51	73,16
Хўжаобод	84,49	74,36
Ленин	84,17	51,43
Избоскан	80,09	68,87
Қўрғонтепа	78,99	84,19
Андижон	77,38	34,49
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Пахтаорол	91,75	118,68
Жиззах	90,18	112,98
Боёвут	87,34	103,38
Киров	86,40	110,55
Сирдарё	80,00	93,81
Еттисой	77,57	84,34
Гулистон	75,48	94,64
Ильич	69,69	101,62

КПСС МК сентябрь Пленуми қарорларини амалга оширамиз

ФАН ВА ЭКОНОМИКА

Совет фани кун сайин ишлаб чиқариш кучига айланиб бормоқда. Фан ютуқлари асосида мамлакатимиз экономикаси яшнамоқда ва тараққий этмоқда. Жумладан, геология фани ҳам коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга муносиб ҳисса қўшди ва қўшмоқда.

Турли минерал хом ашёлар саноат ва қишлоқ хўжалигининг ҳал қилувчи базасидир. Шу сабабли, партия ва ҳукуматимизнинг халқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган барча қарорлари айни замонда фан тараққиётига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорлари асосан халқ хўжалиги ва саноатга раҳбарликни яхшилаш масаласига қаратилган бўлса-да, у фанимизнинг равнақи учун ҳам ёркин уфқлар очиб беради.

Сентябрь Пленуми қарорлари геология фанига ҳам бевосита тааллуқлидир, чунки тузилган янги министрликлар асосида республикамиздаги илмий-текшириш ва ишлаб чиқариш ташкилотларининг структуралари ҳам ўзгариши муқаррардир. СССР Давлат геология комитетининг мустақил министрликка айлантирилиши, СССР Давлат илмий координация комитетининг фан ва техника комитетига айлантирилиб, функциялари тубдан ўзгартирилиши илмий текшириш муассасаларига ва хусусан бизнинг Геология ва геофизика институтимизга ҳам бир қатор зўр имкониятлар очиб беради ҳамда конкрет вазифалар қўяди.

Саноатга раҳбарликни ишлаб чиқариш принципи бўйича қайта қуриш бизнинг институтимиз каби илмий муассасаларнинг ишлаб чиқариш ташкилотлари билан яқинроқ ва мустаҳкамроқ боғланишига ёрдам беради ва илмий текшириш ишлари натижаларининг геология-разведка ва технология практикасига татбиқ қилинишини тезлаштиради.

Кейинги беш-олти йил ичида турли ташкилот ва идоралар сон жиҳатдан кўпайган бўлса-да, афсуски, бундан илмий ва ишлаб чиқариш ташкилотлари ҳамда халқ хўжалиги бевосита манфаатдор бўла олмади. Бунинг яққол мисоли сифатида қуйидаги фактларга мурожаат қиламиз. Маълумки, чинни, керамика, қоғоз саноати учун энг зарур хом ашё каолин гилидир. Ҳозиргача республика саноати учун каолин гили Украина, Урал каби узоқ жойлардан келтирилиб ва жуда қимматга тушмоқда. Кейинги йилларда институтимиз тавсияси билан Ангрен каолин кони текширилиб, унинг бениҳоя кўп миқдордаги запаси аниқланди. Бундан ташқари, Ғарбий Ўзбекистонда, хусусан Қизилқумда ва Қарноб районларида ҳам юқори сифатли каолин жинслари жуда кенг тарқалганлиги маълум бўлди. Бу жинсларни атрофлича ўрганиш ва Ўрта Осиё саноатига татбиқ қилиш масаласи маъқулланиб, тегишли геологик-қидирув ташкилотларига кўрсатмалар берилди. Бу кўрсатмалар асосида институтимиз олимлари Ғарбий Ўзбекистон каолин конларини янада чуқурроқ текширишга киришдилар. Ўзбекистон Геология комитетининг махсус партияси Қарноб яқинида разведка ишларини қизитиб юборди ва биринчи йилнинг ўзидаёқ яхши натижаларни қўлга киритди.

Республикамизнинг бу янги бойлиги олдиндан илмий равишда баҳоланиб, турли ташкилотларга маълум қилинди. Бу махсус хатларда Ғарбий Ўзбекистон каолин конларининг перспективалари катта эканлиги асослаб берилди ва бу оқ гил манбаларидан алюминий металлини олиш, чинни, керамика ва сифатли қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқаришда Ўзбекистондагина эмас, балки Ўрта Осиё миқёсида ҳам фойдаланиш мумкинлиги тавсия этилди.

Қидирув ва технология текширишлари ўтказилгач, бу каолин конлари ва буларга яқин жойлашган Лангар ва Лолабулоқ дала шпати, янги топилган кварц конлари асосида Каттақўрғон ёки Навоий шаҳарларида чинни-керамика заводлари қуриш лозимлиги уқдирид ўтилди. Шу билан бирга, каолин жинсларидан алюминий олиш жараёнида баъзи ўзига хос нодир элементларни ҳам тозалаб олиш масаласини ўрганиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шуни айтиш керакки, халқ хўжалиги кенгашлари ва айниқса Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашидан республика илмий текшириш ва бошқа геология ишлаб чиқариш ташкилотларининг умиди зўр эди. Чунки фан ютуқлари асосида қилинган конкрет таклифларни Ўрта Осиё миқёсида кенг ва тез татбиқ қилиш перспективалари бор, деб кўзда тутилган эди. Бироқ юқорида номи айтилган ташкилотлар Ўрта Осиё учунгина эмас, ҳатто Ўзбекистон учун ҳам кутилган шароитларни яратиб бермади. Шуниси қизиққи, республика Госплани келгуси беш йиллик ичида Каттақўрғон ва Навоий районларида чинни заводлари қуришни планлаштирган-у, бу планда бизнинг олимларимиз тавсия этган конларни ўзлаштириш эмас, балки каолин хом ашёсини Украинадан келтириш мўлжалланган.

Яна бунинг устига, яқинда Норак ГЭСи районида алюминий заводи қуриш планлаштирилган бўлиб, унга хом ашё сифатида Тожикистон тоғларидаги темир йўл ва автотранспорт шоссесидан жуда йироқда (400 километр) жойлашган нефелинлик сиенитларни ишлатиш мўлжалланган. Бизнинг фикримизча, Ангрен конидек атрофлича ўрганилган ва темир йўл яқинида жойлашган ҳисобсиз каолин запаслари турганида, Тожикистон ССР учун Зарафшон тоғларидаги ҳали ўзлаштирилмаган нефелин рудаларини ишлатиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаса керак.

Юқорида зикр этилган биргина мисолнинг ўзи билан чекланиб шуни айтиш керакки, республикамиз ўзининг табиий хазиналарини эндигина очиб боратўр. Газ, нефть, вольфрам, молибден, мис, қўғошин, олтин, графит, каолин ва гилмоя калий ва ош тузлари, шиша қумлари — булар биз геологлар олимлар фикрича, Ўзбекистон фойдали қазилмалар рўйхатининг фақат бошланишидир. Келажакда янги олтин конлари, фосфорит, хромит, никель ва ҳатто оқ олтин (платина) конларини топиш учун илмий асослар ва белгилар бор. Бироқ илмий тахмин ва тавсиялардан қидириш-разведка ишларигача, разведкадан эксплуатациягача орада анча масофа бор. Бу масофа баъзан ўттиз-қирқ йилларга чўзилиб кетар эди. Бу ўринда Олмалиқ мис конини ўзлаштириш тарихини эслатиш кифоя.

Сентябрь Пленуми қарорларини муваффақият билан амалга ошириш ана шу масофани яқинлаштириш имкониятини беради, чунки бу масофани сунъий равишда чўзаётган ташкилотлар — «погоналар»дан анчаси энди тугатилади.

Ушбу сатрлар автори яқинда бир группа институт ходимлари билан СССР Фанлар академиясининг Узоқ Шарққа чақирилган сессиясида иштирок этди. Сессия қатнашчилари мамлакатимизнинг олтин хазинаси ҳисобланган Магадан, Приморьедаги калай ва полиметалл конларини ҳамда узоқ Қуриль ва Сахалин оролларини бориб кўрдилар, «нафас» олиб турган вулкон ёнбағирларига чиқдилар, янги минераллар ва конлар пайдо бўлиш жараёнларини кузатдилар.

Биз Узоқ Шарқ олимлари, саноат ходимлари билан ҳамсуҳбат бўлдик. Ҳамма жойда ҳам КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларининг қизғин қувватланаётганидан беҳад қувондик. Бу қарорлар фан ва хўжалик тараққиётининг зўр тимсолидир, демоқдалар улар яқдиллик билан.

И. ҲАМРОБОЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Ҳ. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтининг директори, профессор.

ШОЛИКОР ШОВВОЗЛАР

Оппоқ оқариб ётган пахтазор ортидан қарич-қарич бошоқлар серкиллайди. Поезд ҳайқириб олға чопган сари «оқ олтин» хирмонлари ўрнини чош уюб қўйилган шоли хирмонлари эгаллайди.

Далаларга шовқин солиб мудом гуруллаб ишлаётган комбайнлар диққатингизни ўзига тортади. Борасиз. Даста-даста қилиб ғарамлаб қўйилган шоли боғлари осмон билан сўзлашиб тургандек кўринади.

— Ҳозиргача «СК-4» агрегатида 300 тоннадан кўпроқ шоли янчдим,—дейди илғор комбайнчи Пётр Молчанов. — Сўнгги уч кунда 75 тонна шоли тозалаб бердим. Биз комбайнчилар Улуғ Октябрь байрами шарафига мусобақалашиб ишлаяпмиз. Шунинг учун ҳам суръатга суръат қўшилмоқда.

Ўртоқ Молчанов айтганича бор. Жўра Тишликов, Нурқош Эгамбердиев ўртоқлар бошчилик қилаётган бўлимларда шоли ўриш, янчиш ва давлатга гуруч топшириш ишлари бир-бирига чамбарчас боғланган ҳолда давом эттирилмоқда. Ўртоқ Тишликов бошлиқ бўлим ҳозиргача 500 тоннадан кўпроқ сифатли гуруч топшириб, бўлимлараро кўчма Қизил байроқни ўз қўлида сақлаб турибди. Иван Шчербаков, Пётр Молчанов, Зуир Лаханов сингари комбайнчи ва шоферлар шоли тайёрлашда бошқаларга ўрнак кўрсатишяпти.

«Сирдарё» шоликорлик совхозида иш қизғин. Шоли ўриш ва янчишда 52 та комбайн унумли ишлаб турибди. Ҳар куни 240-250 тонна шоли ўриб янчилмоқда. Етти йилликнинг якунловчи босқичида 2700 гектар майдондан пландаги $300 ўрнига 6000 тонна гуруч топширишга аҳд қилган мазкур совхоз аъзоматлари ўрим-йиғим ишларини жадаллик билан давом эттиришяпти.

Шоли ўриш ва давлатга топшириш тўғрисида гап борар экан, совхознинг бош агрономи Жониқул Пиримқулов бундай дейди:

— Шоли топшириш юзасидан йиллик планимизни биринчи ноябргача, социалистик мажбуриятимизни эса Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллик байрами кунигача ошириб бажарамиз.

Шоли харид қилиш давлат нархларининг оширилганлиги совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлигини оширмоқда. Ўтган йили давлат ҳар бир тонна шоли учун 220 сўм тўлаган бўлса, бу йил шунча шолига 300 сўмдан ҳақ тўлайди.

Шоли нархининг оширилиши ишчилар манфаатига жуда мос келяпти. Шоли ўриш ва янчиш бўйича нормани ошириб бажарган ҳар бир кишига натура тариқасида 300 килограмм шоли берилади.

Шу кунларда Сирдарё районидаги «Сирдарё» шоликорлик совхози далаларида бўлган ҳар бир киши ана шундай меҳнат, кўтаринкилигининг гувоҳи бўлади. Ҳа, шоликор шоввозлар Октябрь байрами ҳамда КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани тобора кучайтириб, давлатга кўп ва сифатли шоли ҳамда гуруч етказиб бермоқдалар.

С. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбири.

ГАЗЕТАЛАРГА ЁЗИЛИШ ҚАНДАЙ БОРЯПТИ

СЕВИБ ЎҚИЙМИЗ

АНДИЖОН, «Совет Ўзбекистони» мухбиридан.

— Матбуот ҳар бир хонадонга маърифат, юксак маданийлик, олижаноблик ва одоб олиб киради, — дейди Бўз район партия комитетининг секретари Ўртоқ Мадаминжон Раҳмонов, — шунинг учун ҳам биз газета-журналларни севамиз ва доим ўқиб борамиз. Ҳозир районимиздаги ҳар минг кишидан 553 киши газета-журналларга обуна бўлишди.

Ҳақиқатан ҳам районда янги йил газета-журналларга обуна қилиш иши ҳар қачонгидан яхши ташкил этилган. Бўзликлар қисқа вақт ичида 40 минг сўмлик 102 хил газета-журналларга обуна бўлишди. Обуна кун сайин кизитилмоқда.

ҲАММА ХОНАДОН ЁЗИЛАДИ

«Ҳамма хонадон ёзилади» — Сирдарё районидаги «Правда» колхозининг барча аъзолари ана шундай шиорни ўртага ташлаб, янги йил газета-журналларига уюшқоқлик билан обуна бўлаётирлар. Шу кунгача колхознинг ярмидан кўп хонадони «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон маданияти», «Сирдарё ҳақиқати» газеталари ва бир неча турдаги журналларга обуна бўлиб қўйишди.

А. ХОДИЕВ.

* * *

Хатирчилик П. Юсупов, Ўзбекистон районидан Б. Шокиров, Охунбобоев районидан М. Мирзабдуллаев, вобкентлик Ҳ. Қобилов, чустлик С. Зокиров, косонсойлик И. Раҳматуллаев, ромитанлик Ҳ. Бозоров, сўхлик З. Миров, бухоролик Ш. Ҳожиев, Бирунийдан Н. Жуманиёзова, гулистонлик Ю. Абдуллаев ўртоқларнинг редакцияга йўллаган хатхабарларида ҳам жойларда газета-журналларга обуна бўлиш яхши олиб борилаётгани айтилган.

● ●

Тошкент шаҳар «Союзпечать» матбуот тарқатиш бўлимида коллектив обуна бўлиш уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Қисқа вақт ичида тўқимачилик комбинати, «Ўзбексельмаш», «Қизил тонг» набн бир неча завод, фабрика, корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари кўплаб газета-журналларга коллектив обуна бўлдилар. Суратда: коллектив обуна бўлиш пайти.

А. Тўраев фотоси.



ВОСИТА

мамлакатларга техника ва бошқа ҳужжатларнинг 18 минтга комплектини топширди ва улардан ҳам ўз навбатида, турли хил ҳужжатларнинг 10 минтга комплектини олди. 1950 йилдан 1964 йилгача ўтган давр ичида Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар бир-бирларига илмий-техник ҳужжатларининг 40 минтга яқин комплектини топширдилар.

Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида ўзаро савдо-сотиқ жуда тез ўсиб бораётганлиги — уларнинг иқтисодий ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланаётганлигидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдо-сотиқ уларнинг бутун ташқи савдо оборотининг қарийб 65 процентига тўғри келади. Социалистик мамлакатларнинг умумий ташқи савдо оборотн 1950 йилдаги 8,9 миллиард сўмдан 1964 йилга келиб 40,4 миллиард сўмга етди ёки 4,5 баравар кўпайди.

Бу ўринда шундай бир мисол келтириш кифоя қилса керак: Совет Иттифоқи импорт қилаётган жамики машина ва ускуналарнинг 20 проценти Чехословакиядан олинаётир. Айни вақтда Совет Иттифоқининг импорти ҳисобига Чехословакия ўзининг темир рудага бўлган эҳтиёжининг 68 процентини, нефтга бўлган эҳтиёжининг 91 процентини, пахтага бўлган эҳтиёжининг 41 процентини таъминламоқда.

Социалистик мамлакатларнинг кредит муносабатлари ҳам муттасил такомиллашиб бормоқда. СССР урушдан кейинги йилларда бошқа социалистик мамлакатларга умумий суммаси салкам 9 милдиард сўм миқдорида кредит берди.

1964 йил 1 январдан бошлаб тузилган ва ишлаётган Иқтисодий ҳамкорлик халқаро банки Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши мамлакатларининг савдо, кредит ва бошқа иқтисодий муносабатларини янада ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлиб қолди. Банк социалистик мамлакатлар ўртасидаги товар оборотн ва товар обороти билан боғлиқ бўлган кредит муомилаларининг ҳисоб-китоб ишларини бажаряпти. 1964 йил мобайнида халқаро банк 23 миллиард сўмлик ҳисоб-китоб ишлари ўтказди.

Социалистик мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги кенгайтирилган социалистик такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим омили бўлиб, социалистик мамлакатларнинг экономикасини ривожлантиришда катта роль ўйнаяпти. Қуйидаги далиллар ана шундан яққол гувоҳлик беради:

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида 1951—1964 йиллар мобайнида саноат ишлаб чиқаришининг ҳар йилги ўртача суръати 11,7 процентга тўғри келди. Электроэнергия ишлаб чиқариш ҳозирги замон шароитида экономиканинг ривожланиш савиясини кўрсатувчи энг муҳим белгидир. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришнинг даражаси, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, турмуш маданий-маиший шароитларини яхшилаш ва шу кабилар электроэнергетиканинг аҳволига боғлиқ.

Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда 1964 йилда 616 миллиард киловатт-соат электроэнергия ҳосил қилинди. 823 миллион тонна кўмир қазиб чиқарилди, 112 миллион тонна пўлат эритилди.

Социалистик мамлакатлар халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда қўлга киритилаётган муваффақиятлар халқнинг моддий фаровонлигини янада ошириш учун қулай шарт-шароит яратиб бермоқда.

СССРда етти йилликнинг 6 йили мобайнида салкам 500 миллион квадрат метр уй-жой бинолари барпо этилди. Венгрияда 1965 йилнинг ўзида 50 минтга квартира, Германия Демократик Республикасида 76 минтга квартира, Руминияда 51,5 минтга квартира қурилди.

Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши қатнашчилари бўлган мамлакатлар раҳбарларининг шу йил иқтисодий масалалар юзасидан олиб борган музокаралари Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашини янада мустаҳкамлаш тўғрисида томонларнинг фикри бир хил эканлигини кўрсатди. Халқаро социалистик меҳнат тақсимотини янада ривожлантириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш тўғрисида келишиб олинди.

Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши ва унинг қилган ишлари ана шу кенгашга аъзо бўлиб кирган социалистик мамлакатларнинг қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга жуда яхши хизмат қилмоқда, уларнинг капитализм билан иқтисодий мусобақадаги позициясини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

А. МАМЕДОВ,
иқтисод фанлари кандидати.

САРЛАВҲАСИЗ ШЕЪРЛАР

Нима учун сарлавҳасиз? Бу шеърларнинг ҳар биттасига сарлавҳа қўйиб чиқса бўлмайдими? Бўлади. Лекин улар шу ҳолича яхши. Чунки бу шеърлар ёш юракнинг оний ҳислари, ялт этган фикрларнинг шошқин қайди, чўғлар...

Катта поэзия эса—ловуллаган гулхандир.

Бу ҳислар, бу фикрлар, бу чўғлар келгусида аланга олиб катта гулханнинг ёлқинига айланар, деган умид мени жуда қувонтирди. Эҳтимол шу шеърларни ўқиб чиққанда шу қувончга сиз ҳам шерик бўларсиз.

Машраб Бобо ўғли — самарқандлик ёш, ҳали жуда ёш йигит. Яқинда бўлиб ўтган республика ёш ёзувчилар семинарида унинг биринчи тўплам қўлёзмаси тенгдошларининг диққатини тортди. Мен шу тўпламдан унинг қуйидаги шеърларини газетхонларга тақдим этиб, Машрабжонга поэзияда оқ йўл ва унинг шеърларига шу топда жуда зарур бўлган хислатлар — ҳаётий деталлар бойлиги, мавзу кенглиги, конкретлик, фикрий тиниқлик, сўз маҳорати ва туганмас ҳаётий бўёқлар тилайман.

Асқад МУХТОР.

● ●

Қаддин баланд тутиб,
Юксакка интилиб,
Қуёшда товланиб
ял-ял ёнар байроқ.
Уйни олиб қочар,
Гоҳо туғён уриб,
Гоҳ майин ҳилпирар,
гоҳ тўлғанар байроқ.
— Юракмисан, — дейман, —
мунча ороминг йўқ?
Қайларга чорлайсан,
ундайсан неларга?..

— Ҳа, мен юракман, — дер, —
мени баландроқ тут,
Юрагингни кўрсат барча
элларга...
— Ҳа, мен юракман, — дер, —
қудратли сафдаги
Миллионлаб юраклар
ифодасиман.
Мустаҳкам, буюкман,
курашлардаги —
Чиниққан юраклар ифодасиман...
— Ҳа, мен юракман, — дер —
миллионлар юраги.

Мени баланд тутиб,
жаҳон бўйлаб ўтгин.
Бутун инсон зотин паноҳимга
чақир,
Миллионлар юрагин
миллионлар тутсин!..

* * *

Ҳали тонг йўлини тўсиб турар
тог,
Ҳали қояларга нурлар
кўчмаган.
Аммо —
Кўп уйларда одамлар уйғоқ.
Кўп уйларда чироқ ўчмаган...
Билмасам ҳам,
Нега шу пайтгача
Одамлар ухламас,
Одамлар бедор, —
Беҳад бахтиёрман:
ёнар чироқлар,
Шулар қаторида менинг
ҳам бор...

* * *

Бир оташин бўса,
Бир тансиқ бўса —
Йўлида заъфарон бўлди
юзларим.
Бўса йўли шунча йироқ бўлса,
Менда нима гуноҳ,
Дўстларим?
Бўса йўли —
Лаблар ораси-мас,
Қалблар орасига солинган асли.

Шундан — йироқ бу йўл,
Бахт йўлидек оғир,
Машаққатлари ҳам шундан
эмасми?!
... Балки иккимиз ҳам
бир тансиқ бўса —
Дардида ёнамиз,
Тўртдир кўзларим.
Бўса йўли шунча йироқ бўлса—
Бизда нима гуноҳ,
Дўстларим...

* * *

Ҳеч нуқтани хушламайди кўзим.
Нуқта —
«Тўхта!» деган сингари.
Юргизмай қўяди гўё илгари,
Нуқта билан битмасин сўзим:
Фақат хитоб бўлай,
Фақат сўроқ бўлай,
Ҳовримдан ларзага келсин само,
Ер!
Лоқайдликдан жуда йироқ
бўлай,
Асрим кайфияти,
Ўзинг мадад бер!
Тингунингча, юрак,
совумагил бир зум,
Тинсанг ҳам
Юлдуздай уч кўкдан!..
Ҳайқиришим узилса бир кун,
Мен бўлиб қоларман уч нуқта...

Машраб БОБОЕВ.

Ўзбекистон мамлакатларда

ЧЕТ ЭЛ ҲАРБИЙ БАЗАЛАРИНИ ТУГАТИШ ҲАРАКАТИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ

ЖАКАРТА, 20 октябрь. (ТАСС). Чет эл ҳарбий базаларини тугатиш ҳаракатига бағишланган конференция кеча бу ерда давом этди. Конференцияда Корея Халқ Демократик Республикаси делегациясининг вакили Нам Кек Чхун сўзга чиқди. Америка қўшинларини Жанубий Кореядан чиқартириб юбориш учун ва мамлакатни тинч йўл билан бирлаштириш учун корейс халқи олиб бораётган кураш, деди у, чет эл ҳарбий базаларини тугатиш ва миллий мустақиллик учун жаҳон халқлари олиб бораётган ялпи курашнинг муҳим бир қисмидир. Америка агрессорлари, деди у, Жанубий Кореяда ҳарбий базаларни жуда кўпайтириб юбордилар. Ҳозир улар Шарқи-Жанубий Осиёда янги агрессив иттифоқ вужудга келтириш мақсадида Жанубий Корея ҳукумати билан япон империалистлари ўртасида тил бириктиришга уринмоқдалар. Нам Кек Чхун ўз нутқининг охирида, конференция делегатларини Қўшма Штатлардан Америка қўшинлари ва қуролларининг ҳаммасини Жанубий Кореядан, Жанубий Вьетнамдан, Тайвандан, Япониядан ва АҚШнинг ҳарбий базалари жойлаштирилган бошқа районларнинг ҳаммасидан олиб чиқиб кетишни талаб этишга чақирди.


Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетининг шу форум қатнашчиларига юборган мактуби конференцияда ўқиб берилди.

Чили, Уммон ва бошқа бир қанча мамлакатларнинг вакиллари ҳам конференцияда сўзга чиқиб, ўзга мамлакатларнинг территорияларидаги чет эл ҳарбий базаларини тугатишни талаб қилдилар.

682 ҚУЗҒУН УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ, 20 октябрь. (ТАСС). Аниқланган маълумотларга қараганда, Вьетнам Демократик Республикасининг қуролли кучлари 14, 15 ва 16 октябрда Американинг бундан олдинги хабарда айтилганидек, 4 та самолёти эмас, балки 10 та самолётини уриб туширганлар, дейилади ВИА агентлигининг хабарида.

Шундай қилиб, уриб туширилган Америка самолётларининг сони 682 тага етди.





Совет Иттифоқи билан Чехословакия ўртасидаги иқтисодий алоқалар йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда ва кенгаймоқда. Социалистик Чехословакия СССРга станоклар, автомобиллар, локомотивлар экспорт қилмоқда. Совет Иттифоқи эса Чехословакия Социалистик Республикасига темир рудаси, пахта, чўян, саноат ускуналари етказиб бераётир. Юқоридаги суратда (ЧТК—ТАСС фотоси) Бероун (ўрта Чехия)даги тўқимачилик фабрикасига ўрнатилган «Тошкент» маркаси қўйилган ип йигириш станокларини кўриб турибсиз. Кейстон-ТАССнинг пастдаги фотосуратида Италиядаги суд процесси тасвирланган. Рим яқинидаги Альбано монастирининг монахлари швейцар ва Америка сигарет ларини яширин равишда келтириб сотиш билан мўмай пул топганлар. Монахлар шайкаси қамоққа олинди. Мана энди «ҳазрат» Корси қора курсида ўтирибди. Унинг ёнида эса граждан ҳамкасби ҳам бор.

ОППОЗИЦИЯНИНГ БУЮК ҒАЛАБАСИ

(БРАЗИЛИЯДА ГУБЕРНАТОРЛАР САЙЛОВИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР)

Бразилияда 3 октябрда ўтказилган губернаторлар сайловининг якунлари тўпланди. Сайлов ўтказилган 11 штатнинг кўпчилигида (Бразилияда жами 22 штат бор) оппозиция кучларининг номзодлари ғалаба қозонди. Мамлакатда ўтган йилги давлат тўнтариши натижасида ҳокимиятни ўз қўлига олган реакцион гуруҳлар бу сайловда сиёсий жиҳатдан катта мағлубиятга учрадилар. Бразилиянинг энг муҳим штатларидан бири Гуанабара штатида (Рио-де-Жанейро шаҳри шу штатга киради) ўтказилган сайловларда социал-демократик партиянинг номзоди Неграо де Лима ғалаба қозонди. Социал-демократик партиянинг номзоди Израэль Пиньейро бошқа бир муҳим штатда — Минас-Жераис штатида ғалаба қозонди.

Сайловга тайёргарлик мураккаб сиёсий вазиятда, репрессиялар авж олган бир шароитда олиб борилди. Оппозиция ҳолатида бўлган баъзи буржуа партиялари ҳам ўз номзодларини эркин суратда кўрсата олмадилар. Масалан, маршал Тейшейра Лотт Гуанабара штати губернатори лавозимига номзод қилиб кўрсатилган эди, реакцион доираларнинг талабига мувофиқ унинг номзоди даставвал штат сайлов трибунали томонидан, сўнгра эса олий сайлов трибунали томонидан рад этилди. Лотт ўрнига кўрсатилган бошқа бир номзод — инженер Элио де Алмейда ҳам ана шу доираларнинг айби билан овозга қўйилиш имконига эга бўлмади. Минас-Жераис штатида оппозиция номзоди Израэль Пиньейрога ҳам қарши ҳийла-найранглар ишлатилди. Гояс штатида маъмурлар оппозиция номзоди Пейшото да Силвейранинг ғалаба қозонишига йўл қўймаслик учун қўлларидан келган ҳамма чораларини кўрдилар. Маъмурлар «тартиб сақлаш» баҳонаси билан бу штатга қўшин юбордилар.

1964 йилдаги давлат тўнтаришидан кейин реакция кучлари дарҳол сиёсий арбобларни, Америка монополияларининг зўравонлигига қарши сиёсий нуқтаи назарда бўлган кишиларни қаттиқ таъқиб этдилар. Тўнтаришдан кейин «институцион акт» деб аталган ҳужжат нашр этилди. Бу актга мувофиқ, марказий ва маҳаллий маъмурларга махсус ҳуқуқлар берилди. Шу акт асосида давлат аппарати ва армия мингларча хизматчи ва офицердан «тозаланди». Жамоат арбобларидан 400 га яқин киши ўн йиллик муддат билан сиёсий ва гражданлик ҳуқуқларидан маҳрум этилди. Булар орасида республиканинг собиқ президентлари Жуселино Кубичек, Жанио Куадрос, Жоао Гулартлар ҳам бор эди. Сан-Паулo штати ҳарбий трибуналининг фармойишига биноан квант механикаси профессори Марио Шенберг қамоққа олинди. Бразилия жамоатчилиги ва жаҳон жамоатчилигининг тазйиқи билан у яқинда турмадан озод қилинди.

Собиқ президент Гуларт Уругвайдан ўзига сиёсий бошпана топди. Социал-демократик партиянинг раҳбари бўлган Кубичек 16 ой Францияда яшади ва яқиндагина ватанига қайтиб келди. Аммо унга тиним бермаётирлар, уни тергов ўтказадиган турли комиссияларга чақириб, сўроқ қилмоқдалар. Буржуазиянинг энг йирик газетаси «Коррейо да Манья» мамлакатда рўй берган аҳволни характерлаб, қуйидагиларни ёзди: Конгресс (парламент)нинг ҳеч қандай аҳамияти қолмади, касаба союзлари эркинликдан маҳрум этилди, профессорларнинг таъқиб этилиши эса университетларнинг фаолиятини издан чиқариб қўймоқда.

Тўнтаришдан кейин Америка капиталистларига кўп жиҳатдан ён берилди. Фойдаларни чет элларга юборишни қисқартириш тўғрисидаги қонун ўзгартирилди. Бразилия экономикасида катта мавқеларни эгаллаган Америка монополияларига бу қонун ҳуш келмас эди. Фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш тартиби тўғрисидаги кодекс ўзгартирилиб, чет эл капиталистларининг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Ҳатто реакцион газета «Трибуна да импренса» ҳам кодекса киритилган ўзгариш чет эл компанияларига «ҳамма бойликларимизни ўз қўлларига олиш» имконини берди, деб ёзишга мажбур бўлди.

Ўтган бир ярим йил ичида мамлакатнинг иқтисодий ва молиявий аҳволи ёмонлашди. Инфляция ўсмоқда, Бразилия пули крузейронинг қиммати тушиб кетмоқда. Экономиканинг кўп соҳалари катта қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Бир қанча штатларда фабрика ва заводлар ёпилмоқда. Ишсизлар сони кўпайиб, ҳозир бир миллион кишидан ҳам ортиб кетди. Шу йилнинг дастлабки 9 ойи ичидагина, расмий маълумотларга қараганда, инфляция натижасида қимматчилик қарийб 40 процент ортган.

Бразилия ташқи сиёсат соҳасида АҚШга эргашиб бормоқда. Бразилия АҚШнинг Доминикана Республикасидаги қуролли интервенциясини қўллаб-қувватлади ва Америкааро қуролли кучлар составида ўз қўшинларини Доминикана Республикасига юборди. Матбуот хабарларидан маълум бўлишича, Америка давлатлари ташкилотида аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг Рио-де-Жанейрода ўтказиладиган иккинчи фавқулодда конференциясида Бразилия АҚШнинг Америкааро полиция кучларини вужудга келтириш тўғрисидаги талабларини қўллаб-қувватлаш ниятидадир. Ана шу полиция кучлари Латин Америкасидаги ҳар бир мамлакатда Америка монополияларининг манфаатларига зид бўлган ҳар қандай ҳаракатни тор-мор келтиришга хизмат қилиши керак.

Сайловлар Бразилия халқининг кўпчилиги ҳозирги ички ва ташқи сиёсатни маъқулламаётганлигини кўрсатди. Сайлов натижалари мамлакатдаги сиёсий воқеаларнинг бундан кейинги ривожига, шубҳасиз, таъсир кўрсатади. Сайлов натижалари ҳозирнинг ўзидаёқ ўз таъсирини кўрсатмоқда. Реакционерларнинг «миллий демократик иттифоқ» партиясида пароканда лик ҳукм сурмоқда. Бу партиянинг раҳбари Карлос Лаверда республика президенти лавозимига ўз номзодини кўрсатмасликка мажбур бўлди. Республика президенти келгуси йилда сайланади. Лаверданинг гумаштаси Флеш Рибейро Гуанабара штатидаги сайловларда мағлубиятга учраганлиги унинг шундай қарорга келишига сабаб бўлди. Партия рўй берган аҳволни муҳокама қилмоқ учун ўзининг фавқулодда съездини ўтказишга тайёрланмоқда.

Реакция қуролни ўз қўлидан ташлаш ниятида эмаслиги кўриниб турибди. Машъум «радикал демократик иттифоқ» партиясининг секретари полковник Оснели Мартинелининг айтган гаплари ҳам буни исбот этади. Оснели Мартинели қонунга мувофиқ сайланган янги губернаторларнинг ўз лавозимларини эгаллашларига йўл қўймасликка чақиради.

Шуни айтиш керакки, Бразилиядаги сайловларнинг натижалари АҚШ ҳукмрон доираларини саросимага солиб қўйди. Америкада чиқадиган «Нью-Йорк геральд трибюн» газетаси сайловлардан кейин мамлакатда рўй берган аҳволни қуйидаги сўзлар билан таърифлайди: «Бразилияда ўтказилган сайловлар ловвул бошланишидан дарак беради».

М. АРТЮШЕНКОВ.
(ТАСС).

Осиё ва Африка мамлакатларининг иккинчи конференциясига тайёргарлик кўрувчи комитетда

ЖАЗОИР, 20 октябрь. (ТАСС). Осиё ва Африка мамлакатларининг Жазоирдаги иккинчи конференциясига тайёргарлик кўрувчи комитетнинг тўққизинчи мажлиси кеча махфий равишда ўтди. Комитетнинг иши тўғрисида матбуотда ҳеч қандай тафсилотлар эълон қилинмаяпти. Комитет бугун кундузи ўз ишини давом эттиради.

Жазоир газеталари конференцияга моддий ва техникавий жиҳатдан тайёргарлик пойдевори етказилди ва Жазоир ҳукматли меҳмонларни кутиб олишга тайёр, деб ёзмоқдалар.

Жазоир, дейди «Алмужаҳид» газетаси, конференцияни чақириш зарурлигига аминдир. 20 октябрда Жазоирда тўпланадиган ҳамда конференцияни чақириш ёки кечиктириш тўғрисида бир қарорга келиш ҳуқуқига эга бўлган ташқи ишлар министрларини Жазоир бу тўғрида хабардор қилиб қўяди.

Асадхўжа РАҲМАТХЎЖАЕВ



1918 йилдан буён КПСС аъзоси, шахсий пенсионер Асадхўжа Раҳматхўжаев 21 октябрда тўсатдан вафот этди.

А. Раҳматхўжаев 1900 йилда Тошкент шаҳрида камбағал оилада туғилди. Маҳаллий бойлардан бирига қарашли кун заводида 16 ёшидан бошлаб оддий ишчи бўлиб ишлади. Эркинсиз ва машаққатли меҳнатнинг бутун уқубатини, ўзини қуршаб олган муҳитнинг адолатсизлигини ёшлик чоғлариданоқ бошдан кечирган А. Раҳматхўжаев Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун актив кураш олиб борганларнинг сафига биринчилар қаторида қўшилди.

А. Раҳматхўжаев партия, совет ишларининг энг оғир ҳамда масъул участкаларига кўп марта юборилди ва ҳамиша у ўз бурчига, партиявий виждонига содиқ бўлиб, партия аъзоси деган юксак номни шараф билан оқлади. А. Раҳматхўжаев Тошкентда Октябрнинг контрреволюцион исёнини бостиришда қатнашди, босмачиларга қарши курашган отрядга раҳбарлик қилди, республикада саводсизликни тугатиш мақсадида очилган биринчи мактабларни ташкил этди. У республика маҳаллий партия органларининг составига кўп йиллар давомида сайланиб келди.

А. Раҳматхўжаев халқ олдидаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Коммунистик партиянинг, ўзбек халқининг содиқ фарзанди, меҳрибон ва сезгир ўртоғимизнинг порлоқ хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

БИР ГРУППА УРТОҚЛАРИ.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

□

Голландиядаги Вальценбург шаҳрида яқинда бўйдоқлар ва қари қизлар конгресси бўлиб ўтди. Шуни айтиш керакки, бу Европа миқёсидаги XII конгрессдир. Унда турли мамлакатлар, шу жумладан Ғарбий Германия, Бельгия, Франция, Голландия ва бошқа мамлакатларнинг 150 делегати қатнашди. Конгресс иши уч кун давом этди.

Конгрессда «Бўйдоқлар солиғи кўплигига қарши норозилик» масаласи муҳокама қилинди.

□

Франциядаги граждапларнинг эркин фикрини ўрганиш институти яқинда эркакларга 500 та хат жўнатди. Бу хатларда эркакларга «Сизнинг уйингизда ҳақиқий хўжайин ким?» деган савол берилган эди. Олинган жавоблардан қуйидаги манзара намоён бўлди: савол берилган кишилардан 350 таси «Хотиним» деб жавоб берди, 149 таси «қайнонам» деб, фақат бир киши «ўз уйимда мен ўзим хўжайинман» деб жавоб берди.

Маълум бўлишича, «ўз уйимда ўзим хўжайинман» деб қатъий жавоб берган ягона киши бундан тўрт йил олдин хотини ўлиб, ўзи ёлғиз қолган экан.

□

Равенна шаҳри (Италия) музейида Тулий Ломбардининг машҳур «Уйқудаги рицарь» деган ҳайкали бор. «Уйқудаги рицарь»нинг ажойиб хосияти бор, деган миш-миш тарқалган. Бу ҳайкал аёлларга гўзаллик ва бахт бахш этиши мумкин эмиш. Шу сабабли бу шаҳарга юзлаб ҳусн ва бахт қидирган аёллар келади, ҳайкални ўпиб ундан ўзига ҳомий бўлишни илтимос қилади. Бечора ҳайкални хотинлар шундай ялаб юборишибдики, музей дирекцияси уни шиша қалпоқ билан беркитиб қўйишга мажбур бўлди.

Лекин бу ҳам муҳаббатга зор бўлган туристларни тўхтата олмади. Энди улар шиша қалпоқни келиб ўпишади.

Ҳайкалга ихлос шунчаликкки, унинг олдида хотинлар тўпланиб навбат кутиб туришади. Баъзи турист аёллар шиша қалпоқни узоқ-роқ қучоқлаб қолишса, навбат кутиб турганлар жаҳлга кўтарадилар.

Музей дирекцияси ҳайкал атрофини тиконли сим билан ўраб қўймоқчи. Бу ёрдам берармикин? Тиконли сим ҳам хосиятли эмиш, деган миш-миш тарқалса нима бўларкин?

(«НЕДЕЛЯ»дан.)

КОМЕТА ЙЎЛИНИ ЎЗГАРТИРДИ

«Известия» газетасининг шу йил 13 октябрь сонида физика-математика фанлари доктори Б. Левининг «Қуёш билан комета тўқнашади» деган мақоласи босилган эди. Унда япон олими топган янги кометанинг (Икейа-Секи) 21 октябрда қуёш билан тўқнашиши ва қуёш сиртида эриб йўқ бўлиб кетиши айтилган эди. Лекин кейинги кунларда комета ўз орбитасини ўзгартириб юборди. Бу масала юзасидан мамлакатимиздаги жуда кўп обсерваториялар илмий-кузатув ишлари олиб бордилар. Худди шундай иш бизнинг Тошкент астрономик обсерваториямизда ҳам ўтказилди.

Маълумки, кометалар қаттиқ металларнинг майда заррачаларидан, яхлаб қолган газлардан ҳамда муз кўринишидаги суюқлик моддалардан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам қуёшга яқинлашган сари музлаган моддалар эриб, кометанинг бош қисми йўқола боради; эриган моддалар эса унинг думини ҳосил қилади. Кометанинг қуёш атмосферасидан ўтиши қуёшнинг ташқи қисмларидаги физик ҳолатларнинг табиатини ўрганишда аҳамияти каттадир. Масалан, қуёшдан келаётган радио тўлқинларига кометанинг таъсири қандай эканлигини аниқлаш энг муҳим масалалардан биридир.

Шу жиҳатларни ҳисобга олганда Икейа-Секи кометасининг қуёшга яқинлашишини текширш ҳам қатор илмий аҳамиятларга эга эди. Чунки, кометанинг қуёшга бўлчалик яқин келиш ҳодисаси кейинги бир неча 10 йил ичида астрономияда кузатилмаган эди. Обсерваториямиз ходимлари олдида асосан иккита масалани аниқлаш вазифаси турарди. Биринчидан, кометани юлдузлар осмонида кўриб, фото-суратини олиш, демак, тунги кузатиш олиб бориш; иккинчидан, комета қуёшга жуда яқинлашиб келганда уни қуёшни кузатадиган телескоплар билан ўрганиш. Лекин Тошкентдаги бу илмий кузатишлар муҳим бир натижа бермади. Кометанинг ёруғлиги суратга олинганда фотоси чиқмади. Буларга сабаб, бизнингча, биринчидан, 21 октябрь куни Тошкентда ҳаво булутли бўлди. иккинчидан, эҳтимол комета қуёшга яқин келишдан олдин қуёш таъсирида бир неча бўлакларга ажралиб кетган бўлиши мумкин. Бундай ҳодисалар астрономия тарихида бир неча марта содир бўлган.

Аниқ илмий-кузатишлар кейинги кунларда маълум бўлади.

А. ЛАТИПОВ,
Тошкент обсерваторияси фотографик астрометрия лабораториясининг бошлиғи, физика-математика фанлари кандидати.

Реклама ва эълонлар

РАДИО

22 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт (ўзб.), 6.45 — Гимнастика (ўзб.), 7.35 — Эшиттиришлар программаси (ўзб., рус.), 8.25 — Концерт (ўзб.).

9.15 — «Совет Ўзбекистони», 9.23 — «Правда Востока», 9.53 — «Ҳақиқати Ўзбекистон», 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — Концерт (ўзб.), 11.10 — Фан оламида (ўзб.), 11.25 — Концерт (ўзб.), 12.15 — СССР халқлари қўшиқлари (ўзб.), 12.50 — «Сув манбалари доимо санитария назорати остида бўлсин» (рус.), 13.00 — Чорвадорлар учун (ўзб.), 13.40 — Концерт (рус.), 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.), 16.15 — Камер куйлар (рус.), 17.00 — Концерт (ўзб.), 18.10 — Рус халқ куйлари, 18.30 — Концерт (ўзб.), 19.20 — Социализм мамлакатлари куйлари, 20.00 — КПСС МК сентябрь Пленуми қарорлари — амалга (рус.), 20.10 — Концерт (рус.), 20.45 — «Монополистик йиртқичлар ҳарбий заказлар учун ғажишмоқда» (ўзб.), 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.), 22.00 — Телетайп лентасидан (ўзб.), 22.10 — Пахта теримидаги шаҳарликлар учун (ўзб.), 22.40 — Мирмуҳсин ҳикоялари (ўзб.), 23.10 — Эртаги кун эшиттиришлари (ўзб., рус), 23.20 — «Зангори кема» капитанлари учун концерт (ўзб.).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

22 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Инглиз тили** (мактабгача ёшдаги болалар учун), 18.45 — **Реклама ва эълонлар**, 18.50 — **Экран янгиликлари**, 19.45 — **Спорт эшиттириши.**

20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.50 — **Сахий куз ноз-неъматлари** (телеочерк), 21.05 — **Ёшлар ижоди**, 21.30 — **Сўнгги янгиликлар**, 21.40 — **Икки умр** номли бадиий фильмнинг 2-серияси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.00 — **Қуён — барабанчи, Олмахонларнинг айиқни қандай алдагани** (болалар учун диафильмлар), 19.35 — Тошкент янгиликлари, 19.45 — Васият (телефильм), 20.05 — **Йил фасллари** (куз қўшиқлари).

Рус тилида: 20.35 — **Коммунистлар — олдинда** (телеочерк), 20.55 — **Тошкент янгиликлари**, 21.05 — **Кабиса йили** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/Х да **Травиата**, 23/Х да **Семурғ**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/Х да **Гамлет**, 23/Х да **Қотил.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Актёр — «МИР», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Қора духоба — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Капитан Нуль — «ДРУЖБА» (2-зала), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 10 ва кеч 10 да), «ЧАЙКА» (кеч 10 да).

Аёзобо — СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 10 ва 11 яримда).

Галапагос — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 1, 4, кеч 7 ва 10 да), «ЮЛДУЗ» (кундуз 5, кеч 7 ва 9 да).

Гирдоб (кундуз соат 5 гача), **Ева ҳақида** (кеч 6-45 минут, 8 ярим ва 10 да) — «ЕШ ГВАРДИЯ».

Темир ниқоб (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 9 да), **Тириклар ва ўликлар** (кундуз 1, 4 ва кеч 7 да) — «СПУТНИК».

Бомбай қизи — «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 2, 4, кеч 6 ва 8 да).

Биби Марям ибодатхонаси (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Козара (1 ва 2-серия) — НАВОИЙ номли кеч соат 6 да ўзбек тилида.

ГРАЖДАНЛАР!

Қариндош, дўст ва таниш-биришларингизни

УЛУҒ ОКТЯБРЬ БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАШ УЧУН

махсус почта открыткалари ва конвертларидан фойдаланинг. Табрик телеграммаларини барвақт беринг.

АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА

23 октябрдан 27 октябргача ТАБРИК

телеграммалари

ВА ФОТОТЕЛЕГРАММАЛАР

имтиёзли тариф юзасидан (одатдагидан 50 процент арзон ҳақ билан)

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Етказиб бериш куни кўрсатилган табрик телеграммалари **фақат 3 ноябргача қабул қилинади.**

Байрам олди кунларида телеграфнинг иши кўпайганлиги учун, 3 ноябрдан кейин берилган табрик телеграммаларининг ўз вақтида етказилиши таъминланмайди.

Табрик хатлари, открыткалар ва совғали посилкаларни авиапочта орқали юборганда ҳам, сўнгги байрам олди кунларига қолдирмаслик керак. Улар ўз вақтида юборилса, алоқа ходимлари ҳам бу жўнатмаларни вақтида етказиб бериш имконига эга бўладилар.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги.

САРИЁҒОЧДАГИ 30-ҚИШЛОҚ ПРОФЕССИОНАЛ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

тракторчи-машинист ихтисосига

1965/66 ўқув йили учун **кўшимча**

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Шу билан бирга III класс шофер деган ихтисос ҳам берилади.

Ўқиш муддати 2 йил.

Камида 7 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар 16 ёшдан тортиб қабул қилинади.

Қабул қилинганлар тўлиқ давлат таъминотида бўлади ва билим юртини тамомлагандан кейин Қозоғистоннинг Қўриқ ерлар Ўлкасидаги совхозларда ишлаш учун юборилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қиладилар: турар жойдан справка, оилавий аҳвол ҳақида справка, маълумоти ҳақида справка, кейинги иш ёки ўқиш жойидан характеристика, 4 та фотокарточка. Паспорт ва ҳарбий билет шахсан келтирилади.

Ҳужжатлар 25 октябргача қабул қилинади. Ўқиш 1 ноябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Чимкент область Сариёғоч қишлоғи («Тошкент — Дарвоза» шаҳар атроф поездининг «Сариёғоч» остановкаси, Тошкент—Сариёғоч» автобуси ҳам боради).

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИНИНГ

ФАБРИКА-ЗАВОД ШОГИРДЛИК МАКТАБИ

тўқувчи ва йигирувчи касбларга ўргатиш учун

7—10-синф ҳажмида маълумоти ли, 17 ёшдан 24 ёшгача бўлган қизларни

ЎЗБЕК, РУС ГРУППАЛАРИГА

қабул қилади

Ўқиш муддати — 1 йил.

Мактабга қабул қилинганлар стипендия билан, ҳалок бўлган жангчиларнинг, Ватан уруши инвалидларининг болалари ва ота-онасиз етимлар эса овқат, кийим ва ётоқ билан ҳам таъминланади.

Мактабга кирувчилар: паспорт, маълумот ҳақида шаҳодатнома, 3 та фотокарточка тақдим қиладилар ва Тошкент тўқимачилик комбинати поликлиникасида медицина кўригидан ўтадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар Фрунзе район 2-Виборг кўчаси, 3-а уй.

Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари С. А. Раҳматхўжаевага отаси

Асадхўжа РАҲМАТХЎЖАЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Тошкент шаҳар Октябрь ошхоналар трестининг раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари трестнинг энг кенса ходими, 1918 йилдан КПСС аъзоси, шахсий пенсионер

Асадхўжа РАҲМАТХЎЖАЕВНИНГ

вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА «УМИД» КУБОГИ УЧУН

финал ўйинлари

23 октябрда **Ўзбекистон ССР — Ленинград командалари** ўртасида.

24 октябрда **Молдавия ССР — Украина ССР командалари** ўртасида.

Кундуз соат 5 да бошланади.

Тарас Шевченко кўчаси, 26-уйда турувчи **Нина Ивановна Мированинг** шу уйда турувчи Анатолий Кононович Кондратюкдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283. Партия турмуши—33469, 27221, Марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқаро ҳаёт — 31226. Коммунистик тарбия — 31455. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34790. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, маориф ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 248. ИНДЕКС 64543. Р 11706.